Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 февраль, сешанба № 45—46 (21.650). Сотувда эркин нархда.

ҚАРДОШЛИКНИНГ АСРИЙ РИШТАСИ

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Турли миллат вакилларини ташқи қиёфасидан кимлигини билиб олса бўлар-у лекин ўзбек билан тожикни бир қарашда ажратиш мушкул — чеҳралар, исм-шарифлар, одат ва таомиллар, қўшиғу рақслар шу қадар ўхшаш, уйғун.

Минг йиллардан буён бир заминда ёнма-ён, елкама-елка яшаб келаётган ўзбек билан тожик шўро истибдодини бошдан бирдек кечирди ва баб-баравар мустақилликка эришди. Тожикистон Республикаси мустақиллигининг оғир кечган дастлабки йилларида халқларимизнинг дили дилига пайванд экани яна бир бор исботланди.

Таассуфки, Тожикистондаги биродаркушлик кўп фожиаларга сабаб бўлди. Минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги вайронагарчиликлар оқибатида кўплаб оилалар бошпанасиз қолди. «Қўшнинг тинч — сен тинч», дейдилар. Уйингизда осойишталик бўлса-ю теварак — атрофда турли низо ва жанжаллар таҳлика солиб турса, хотиржам яшаб бўладими? Ахир, халқларимизни қондошлик, дўстлик ва ҳамкорликнинг асрий ришталари боғлаб туради-да. Тожикистоннинг оғир дамларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг азал-азалдан бир дуторнинг икки тори бўлиб келган биродарларимизга чинакам ҳамдардлик, саховатпешалик қилгани эътиборга лойиқдир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ қисқа муддатда қардош республика аҳолиси учун 400 тонна ун, 10 тоннадан кўп гуруч, макарон маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи, 5 тонна шакар, кўплаб дори-дармон, кўрпа-тўшак, болалар кийимлари ва пойабзаллари, чодирлар жўнатиш белгиланди. Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолий жаноблари-га йўллаган номасида ҳам, БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида қилган маърузасида ҳам жаҳон жамоатчилигини жафокаш тожик халқи дардини енгиллатишга, Тожикистон тупроғида осойишта ҳаёт қарор топиши учун ёрдам беришга чақирди. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши, қолаверса, жабрдийда халқнинг талаб ва илтимосларига кўра, ҳамдўстликдаги бир неча мамлакат бу ҳудудда тинчлик ўрнатишга кўмаклаша бошлади. Урушдан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Тожикистонда аҳволни шошилинч равишда муҳокама қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Алматига йиғилган давлат бошлиқларининг учрашуви, айниқса, самарали бўлди. Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан ўтказилган бу учрашувда биродаркушлик урушини тўхтатиш юзасидан бир қанча масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ва Россия Федерацияси Тожикистондаги аҳвол тўғрисида қўшма баёнот қабул қилди. Унда тожик халқи қадимий ўлкада тинчлик ва осойишталикни тиклаш учун куч топишига ишонч билдирилди.

Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир, деб билдирилган ишончни оқлади.

Ҳозир республикада вазият секин-аста изга тушмоқда. Шундай оғир даврда ҳам бир қанча вилоятларда пахта, ғалла, сабзавот етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган хом ашёнинг кўплаб турларини шу ернинг ўзида қайта ишлаш учун туманларда кичик-кичик саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Пахта заводлари, пахта қабул қилиш пунктлари, тегирмон, мойжувоз, гилам тўқиш, кўнчилик, кулолчилик ва тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Шаҳарларда эса корхоналар акционерлик жамиятларига айлантирилмоқда, комбинатлар чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланмоқда.

Тожикистон халқаро ҳаётда ҳам муносиб ўринни эгалламоқда. Республика Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро валюта фонди сингари жаҳоннинг нуфузли ҳамжамиятларига аъзо бўлди. Тожикистон Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмонов хорижга кетиб қолган барча фуқароларга она Ватанга қайтишлари ҳақида мурожаат қилиб, бундай деди: «Республикага сизнинг билимингиз ва тажрибангиз керак...».

Осойишта ва бадавлат яшашнинг манбаи, калити меҳнатда, иноқликда, дейдилар. Тожикистонда фаровон турмуш учун тинч меҳнат палласи бошланаётгани чин бўлсин.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон халқлари муқаддас Рамазон ойи кириб келганлигини нишонлаётган дамларда Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрлигимни билдирган ҳолда, Оллоҳ таолодан барчамизга муваффақият, қардош халқларимизга яхшилик, куч-қувват ато этишини сўрайман.

Зейн ал-Обидин Бин Али,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳазрати Исо Масиҳнинг мавлуд кунлари ҳамда Янги йил муносабати билан Сизга энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Лех ВАЛЕНСА,
Польша Президенти.

НАВБАТДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Ўқув марказида партия шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари навбатдаги раҳбарининг ўқув машғулотлари бошланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов ўқувни кириш сўзи билан очди ҳамда «Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда Халқ демократик партиясининг ўрни ва вазифалари ҳақида» маъруза қилди. У тингловчиларнинг диққат-эътиборини Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармонларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ партиямиз ташкилотларининг саъй-ҳаракатларига жалб этди. Сўнгра биринчи котиб тингловчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб қайтарди, партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга қаратилган маслаҳатлар берди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Конституцияси: Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайлов ислоҳотида иштирокининг ҳуқуқий асослари тўғрисида» Марказий Кенгаш котиби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Саидов маъруза қилди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитасининг котиби Ғ. Раҳимшиқов «Ўзбекистон ёшларининг миллий истиқлолни мустаҳкамлашдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида» гапирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳудудий бош бошқармасининг бошлиғи И. Турсунов Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришга доир долзарб масалалар ҳақида сўзлаб берди. Тингловчилар жойларда давлат мулкини хусусийлаштириш борасида юзага келаётган муаммоларга доир саволларига жавоб олдилар.

Ўқувнинг очилишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Жалолов ва Марказий Кенгаш котиби А. Миркосимовлар ҳозир бўлдилар.

Машғулотлар давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатдаги ўсмирлардан маълум бир қисмининг саломатлигида салбий ўзгаришлар бор, бир қисми эса сурункали касалликларга чалинган. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, оналар ва болалар ўлими ҳамон кўп. Экология вазияти ёмонлашаётган шароитдаги ташвишли нуфус вазияти ёш авлод ни соғломлаштиришнинг махсус давлат дастурини ишлаб чиқишни ва уни давлат ҳамда жамоат тузилмалари билан биргаликда амалга оширишни тақозо этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва ҳукуматга тааллуқли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида шу ҳақда гапирилди. Улар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида»ги қарорини биргаликда амалга оширмоқда. Мажлисда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, тиббий олий ўқув юртлари ва муассасаларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқарувининг раиси Г. Йўлдошева сўзга чиқдилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳозирги пайтда тиббиётнинг энг муҳим соҳаси бўлиб, бу хусусда Ўзбекистон ҳукумати алоҳида ҳамхўрлик қилаётгани таъкидланди. Республикани юксалтириш тадбирларида соғлом, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа деб белгиланган. «Соғлом авлод учун» нишонининг таъсис этилиши бунинг далилидир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда оналар ва болалар саломатлигини сақлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бу қарорни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси биргаликда амалга оширмоқда.

Улар аёлларни соғломлаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва туғма касалликларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли ишларни бажаришмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси бу дастурга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистонда ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида жамғарманинг маҳаллий бўлимлари ташкил этилган. Вакциналар, дори-дармонлар, она ва бола гигиена воситалари харид қилиш учун жамғармага валюта ажратилган.

Бироқ, ижобий ўзгаришларга қарамай, соғлиқни сақлаш муассасалари ва жамғарма ташкилотлари фаолиятида давлат аҳамиятига молик бу муҳим вазифани амалга оширишда камчиликлар оз эмас. Шифохоналарнинг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Аёллар касалланиши кўрсаткичлари жуда секинлик билан камайиб бормоқда.

Мажлис қатнашчилари ёш авлодни соғломлаштириш дастурида кўзда тутилган энг муҳим масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни биринчи навбатда ривожлантириш, болалар касалхоналари ва туғруқхоналарни асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан тезроқ таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Ҳайъат ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

НАСЛИМИЗ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛСИН

РЕСПУБЛИКА БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ И. ЖУРАБЕКОВНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ БОШҚАРУВИ ҚУШМА МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз биродарлар!

Мустақил давлатимизнинг эртанги куни, унинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши кўп жиҳатдан ўсиб келаётган авлоднинг соғлом бўлишига, оналик ва болаликнинг қай даражада муҳофаза қилинишига боғлиқ. Бу нарса, ўз навбатида, Ватанимизнинг келажаги — фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақозо этади.

Сизларга маълумки, жаҳон тажрибасида биринчи бўлиб, бизнинг республикамизда Президентимиз Ислом Каримов фармони билан «Соғлом авлод учун» давлат ордени таъсис этилди, соғлом авлод учун ҳукуматимиз қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил қилинди. Ушбу жамғарма зиммасига оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, жамоатчилик ва давлат тузилмаларининг Ўзбекистоннинг келажак авлоди генофондини яхшилаш борасидаги куч-ғайратларини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилган.

Мамлакатимиз жамоатчилиги вакилларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб Президентимиз томонидан амалга оширилган мазкур хайрли иш давр талабидир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кенг аҳоли оммаси куч-ғайратларини сафарбар этган ва мувофиқлаштирилган ҳолда Ватанимизнинг бахтли келажагини таъминлашдек шарафли вазифани бажаришга амалий ёрдам кўрсатиши керак бўлган бундай хайрия жамғармаси тузиш учун зарур шарт-шароит республикада аллақачон вужудга келган эди.

Биз мустақилликка эришган кезларимизда фақат иқтисодий ривожланишдагина эмас, айни чоғда аҳолининг, айниқса оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам анча оғир аҳволда эдик. Шуни айтиш керакки, кўплаб болалар касал ҳолда туғилмоқда ёки ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ турли хасталикларга чалинмоқда. Оқибатда баъзи касалликлар наслдан-наслга ўтмоқда. Бу эса айрим болаларнинг чала туғилишига сабаб бўлаётир.

Кўпчилик ҳомиладор аёллар камқонлик, юрак,буйрак, жигар ва бошқа касалликларга чалингани учун туғиш чоғида уларнинг ҳаёти баъзан хавф остида қолаётир. Бундай мушкул аҳвол оқибатида оналар ва болаларнинг касалланиши ҳамда ўлимига доир кўрсаткичлар ҳануз юқорилигича қолмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда кўрилган муҳим чора-тадбирлар туфайли бундай кўнгилсизликларнинг олди олинмоқда, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг оғир касалликларга чалиниши анча камайди. Бунга болаларни эмлашнинг юқори (95 фоизгача) даражада бўлиши орқали эришилди.

Бироқ, собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг узилиши сабабли бактерия ва вирус препаратлари етказиб берилиши анча камайди. Оқибатда бир қатор юқумли касалликлар, айниқса, болалар ўртасидаги касалликлар бирмунча кўпайди. Бугунги кунда давлат санитария-эпидемиология хизматининг асосий вазифаларидан бири табиий омиллар (меҳнат, турмуш, дам олиш)нинг инсонга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш, шунингдек, шу асосда атроф-муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу билан бирга, аҳолини тоза сув билан таъминлаш, шаҳар ва қишлоқларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва бошқа ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этиш бўйича қабул қилинган дастурлар тўла бажарилмади. Натижада ўткир ичак касалликлари тарқалиши ҳоллари рўй бермоқда. Бундай касалликлар республиканинг асосан қишлоқ жойларида қайд этилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили қарийб бир неча минг киши вирусли гепатит, ўткир ичак, тиф-паратифос ва бошқа касалликлар билан оғримоқда. Бу эса инсон учун ўта хавфли бўлган касалликлар тарқалишининг олдини олувчи ижтимоий чора-тадбирлар дастурини зудлик билан ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шу йилнинг январь ойида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фавқулодда вазиятлар бўйича республика комиссияси мажлисида ана шу масалалар муҳокама қилинди. «Экосан» жамғармаси ташаббусига кўра «Тоза сув», «Экология ва саломатлик», «Тоза ҳаво» миллий дастурлари ишлаб чиқилди. Эндиги асосий вазифа уларни сўзсиз бажаришдан иборатдир. Бу ишларни назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат санитария назорати зиммасига юклатилган.

Давлат бюджетининг қийин аҳволда эканига қарамай, ҳукуматимиз томонидан болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар учун махсус нафақа ва имтиёзлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бутун жамоатчиликнинг, давлат ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган тизимларнинг, корхона ва ташкилотларнинг, республикадаги барча аҳолининг биргаликда куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида вужудга келган аҳволни ҳисобга олиб, Президентимиз «Соғлом авлод учун» жамғармаси фаолиятига 1 миллиард сўм маблағ ажратди. Мамлакатимиз аҳолиси бу хушхабарни миннатдорлик билан кутиб олди.

Жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш — «Соғлом авлод учун» жамғармасининг асосий дастурий мақсадидир. Бироқ ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш одамлардан катта куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Мана шундай бегараз ва олижаноб вазифани амалга оширишда ҳеч ким бефарқ қолмаслиги зарур. Ҳукуматимизнинг 268-қарорида барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар жамғармага молиявий ва амалий ёрдам кўрсатсин, дейилган. Унда ўсиб келаётган авлодни соғлом бўлишини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг ватанпарварлик бурчи экани таъкидланган. Бу бурчни вазирликлар ва идоралар қандай бажармоқда, деган савол туғилади. Бугунги кунгача фақат «Ўзбекенгилсаноат» ва «Нефтгазсаноат» ташкилотлари тегишинча 110 ва 20 миллион сўм ўтказди. Бундай эътиборсизликни вазирликлар, давлат қўмиталари, миллий компаниялар, уюшмалар раҳбарларининг соғлом авлод тақдири масаласига бефарқлиги деб тушунмоқ керак.

Ҳокимликлар, халқ ҳўжалиги тармоқлари ва ижтимоий соҳа раҳбарларидан сўрамоқчимиз: нега бу ишга ҳўжаликлар, корхоналар ва хусусий тадбиркорлар тўлиқ жалб этилмаган? Нега жамғарма бўлинмаларига атиги 10—20 миллион сўм маблағ ўтказилган? Шу маблағ билан ёш авлодни соғломлаштиришга доир барча вазифаларни ҳал қилиш мумкинми? Амалий ёрдам қани? Ҳукумат ушбу хайрли ишни фақат умумий куч-ғайратни бирлаштириш йўли билангина ҳал этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Президентимиз кўрсатмасида шу нарса аниқ белгилаб берилганки, жамғарма фақат хайрли иш билангина эмас, балки ишлаб чиқариш фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқловчи ҳужжатлар билан ҳам чиқиши лозим.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ишини фаоллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

ҳокимликлар жамғарма бўлинмалари билан биргаликда ҳар бир туман ва шаҳарда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч нуқталарини ташкил этишлари керак. Бунинг учун тегишли бинолар ва асбоб-ускуналар ажратсинлар, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда зарур кадрларни тайёрласинлар. Барча оммавий ахборот воситалари «Соғлом авлод учун» ғоясини ва жамғарманинг илғор тажрибаларини оммавийлаштириш бўйича махсус рукнлар ташкил қилсинлар. Жамғарма республикаминг бутун ҳудудида аҳолининг, биринчи навбатда, қизлар ва аёлларнинг онгини, маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин. Жамғарма мактаб ўқувчилари ва талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, уларда соғлом насл учун масъулият ҳиссини тарбиялашда халқ таълими ва олий таълим тизимига яқиндан кўмаклашсин.

Тарғибот ишларига обрўэътиборли, илғор фикрловчи, кенг маълумотли, бўлажак авлодни соғломлаштириш ва генофондни яхшилаш тўғрисида чинакам қайғурувчи кишилар жалб қилинсин. Бунинг учун телевидениеда суҳбатлар, радио ва матбуотда чиқишлар, шаҳар ва туманларда, маҳалла ва қишлоқларда, узоқ овулларда аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиши лозим.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш борасидаги ғамхўрлигига жавобан ўз халқи олдидаги ватанпарварлик бурчини бажариш учун вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотларнинг ҳар бир раҳбари ўз Ватанининг, халқининг истиқболи учун масъулият ҳис қилиши, аҳолининг, биринчи навбатда, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаб етиштиришда фаол иштирок этишлари керак.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, шунингдек, мана шу ерда тўпланганларнинг ҳаммаси соғлом ва ақл-заковатли авлодни тарбиялаб етиштириш миллий дастурини амалга ошириш, соғлом ва мукаммал турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этиш, келажак авлод генофондини яхшилаш соҳасидаги ҳозирги замон фан ютуқларини қўллаш каби гояларимизни, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасидаги Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрилаётган барча чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда салмоқли ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент Шаҳар кенгашида пойтахтдаги барча туман партия кенгашлари ходимларининг семинари бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Шоисломов «Республикадаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш масалалари тўғрисида» маъруза қилди. У шаҳар партия кенгашининг бу борадаги вазифаларига атрофлича тўхталди.

Семинар иштирокчилари республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида шаҳардаги кам таъминланган аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишни кучайтириш борасида партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари, аниқ тадбирларини белгилаб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Куни кеча Фарғонада Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланган фаоллар учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва район кенгашлари иккинчи котиблари, олий ҳамда ўрта махсус билим юртлари профессор-ўқитувчилари, тарғиботчилар қатнашдилар. Учрашувни Фарғона вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Абдурашид Мирсалимов кириш сўзи билан очди.

Партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга доир вазифалари хусусида Марказий Кенгаш ахборот ва тарғибот бўлими мудири ўринбосари Собиржон Қурбонов маъруза қилди. Партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли турли табақаларига тушунтиришнинг амалий жиҳатлари ҳақида Марказий Кенгаш маслаҳатчиси Равшанжон Абдуллаев ва Фарғона политехника институти доценти Неъматжон Усмонов, бу хайрли ишда илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари тўғрисида Ўзбекистон энёлилари илмий-маърифий уюшмаси вилоят ташкилот раҳбари Бахтиёржон Алимовлар сўзладилар. Учрашув давомида партия ходимлари ва тарғиботчиларнинг саволларига жавоблар ҳамда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини оммалаштиришни республика Олий Мажлисига бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари билан уйғунлаштириш борасида маслаҳатлар берилди.

А. ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудири.

• ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ

ҲАР БИР мамлакатнинг тарихий, маданий ва маънавий ютуқлари давлатлараро муносабатлар соҳасида муҳим сиёсий ва иқтисодий омил сифатида ҳам намоён бўлади. Мамлакат тарихи қанчалик буюк, маданияти қанчалик бетакрор бўлса, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни шунчалик алоҳида бўлади. Тарих, маданият, маънавият ва ахлоқ давлатнинг мафкуравий қудрати асоси бўлиши мумкин. Мамлакатлар, айниқса, имкониятлари етарли бўлганларн, ҳар доим бошқа давлатларга мафкуравий таъсир ўтказишга интиладилар. Мамлакатнинг маданий ва мафкуравий салоҳияти ҳам сиёсий ёки иқтисодий салоҳият каби муҳим аҳамиятга эгадир. Аслини олганда, бу ўлчамларнинг ҳаммаси бир-бирига ўтадиган, бир-бирини кучайтирадиган омиллардир.

ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ҚИЛ

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ САЛОҲИЯТ — МИЛЛИЙ МАНФААТ КЎЗГУСИДА

Испаниянинг тарихий-сайёҳлик жиҳатидан диққатга сазовор жойлари мамлакатга йилига 16 миллярддан кўпроқ АҚШ доллари келтираётганини тасаввур қила оласизми? Япониянинг ўз маданиятига хос каратэ, дзен ёки чойхўрлик маросимини бутун дунёга моҳирлик билан ёйаётганидан қандай иқтисодий наф кўраётганини бирор киши ҳисоблаб чиққанми? Бугунги Греция ўзининг буюк кўҳна тарихи эвазига қандай даромад олишда давом этаётгани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Ватиканнинг маънавий обрўси ёки Деруссаломнинг тарихи ҳам давлатларга сиёсий-иқтисодий наф келтириши аниқ-равшан.

КЎПГИНА мамлакатларнинг ўз маданиятлари, аввало, тилларини ўзга давлатларга кенг ёйишга катта аҳамият бераётганлари бежиз эмас. Бу — давлатнинг миллий манфаатларига мос тушади. Маданият, тил мамлакатга қизиқиш уйғотади, давлат ташқи сиёсатига йўл очиб берадиган омил сифатида ҳам намоён бўлади. Лоакал, бутун дунёга тез ёйилаётган Америка маданиятини олиб кўрайлик. Шубҳасиз, у шу давлат ташқи сиёсатининг муҳим омили вазифасини ўтамоқда. Ҳамонки, маданият одамларнинг ҳаёт тарзи ва эътиқодини шакллантирар экан, демак у ёки бу маданиятга бўлган мафтункорликнинг иқтисодий маҳсули ҳам тайин.

Кўп мамлакатларда шу мамлакат маданиятини ўзга давлатларга ёйишга даъват этилган ҳукумат ёки ярим ҳукумат ташкилотлари ишлаб турибди. Мисол учун, Буюк Британияда «Британия кенгаши», Олмонияда «Гёте институти», АҚШда «Қўшма Штатларнинг ахборот агентлиги» фаолият кўрсатмоқда. Албатта, маданият ютуқларини кенг ёйиш хайрли иш. Зеро, ўзаро ҳамкорликда бўлган маданиятлар бир-бирини бойитади, одамларнинг маънавий олами кенгаяди ва чуқурлашади. Маданиятлар ҳамкорлик қилган чоғда улар ўртасида рақобат муносабатлари ҳам юзага келади, гўё уларнинг қай даражада мустаҳкамлиги синовдан ўтказилади. Турли маданиятлар ўртасидаги рақобат учун бозор муносабатлари, айниқса, кенг йўл беради.

БОЗОР ИҚТИСОДИ ўз табиатига кўра очиқликни талаб қилади, нафақат маҳсулотлар ва хизматлар, балки ғоялар алмашуви учун имкониятлар қидиради. Очиқ иқтисодиёт маданиятнинг ҳам очиқ-ошкоралигига олиб келади, хорижий инвестициялар янгича маданий таъсир олиб келиши ҳам муқаррар. Бир маданиятнинг бошқа, тажовузкорлик маданият таъсирида, зўрлигида ўзига хослигини, бетакрорлигини йўқотгани, заифлашгани ҳатто йўқ бўлиб кетганига мисоллар кўп. Бироқ маданий биқиқлик, ёпиқлик давлатлар ва маърифатнинг йўқолишига ундан ҳам кучлироқ даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам маданиятни ривожлантиришнинг энг маъқул йўли — бу маданиятнинг бошқа маданиятлар билан алоқасини таъминлаган ҳолда унинг ўзини эъзозлашдан иборат.

Бир томондан маданиятда космополитизм ва либерализмнинг ривожланиши, иккинчи томондан эса, анъанавийликнинг ва мутаассибликнинг (консерватизмнинг) кучайиши ҳам жамиятнинг маънавий ҳаёти мураккаблашаётганидан дарак беради. Бу аъмолларнинг оқилона қўшиб олиб борилиши ҳозирги жамиятнинг маънавий ҳаётини, халқнинг ахлоқий салоҳиятини ривожлантириш учун табиий имконлар яратиб беради. У ёки бу томонга оғиш эса мамлакат маданиятининг бутунлай ривожланишини чеклашга олиб келади.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ўзининг буюк тарихи, нодир маданияти ва юксак маънавий-ахлоқий анъаналари билан ҳақли равишда фахрланади. Тоталитар тартиб халқ тарихий хотираларини сўндиришга, маданиятларни умумлаштиришга, коммунистик ахлоқ меъёрини сингдиришга ҳар қанча уринмасин, бизнинг халқимиз ўз маънавий негизларини сақлаб қола олди. Умуман, биз мустаҳкам оилани, катталарга ҳурматда бўлишни, шеъриятга ихлосни, илм-фанга нисбатан эъзозни анча сақлаб қолдик. Ривожланаётган бозор иқтисодиёти эҳтиёжлари ва талаблари маданиятимиз олдига янги-янги синовлар қўяётган ҳозирги пайтда маънавий бойлик яратаётган кишиларни жамиятнинг олий гуруҳига мансуб одамлардек қабул қилишимиз алоҳида аҳамият касб этади.

Дейдиларки, билим — бу куч. Тарих, маданият, маънавият, ахлоқ ҳам кучдир. Айниқса, улар орасида билимга алоҳида эътибор берилсайди.

Маданият — бу шахс, миллат, халқ ва давлат ҳаёт кечирадиган алоҳида муҳитдир. У ёки бу сиёсий мафкура фақат маълум маданий муҳит билангина биргаликда яшамоғи мумкин. Ўзимизнинг яқин ўтмишимизда кўрганимиздек, бир қолипга солиш, омилик тоталитар маданий муҳитига хосдир. Тоталитар санъат доимо ўзини монументал шаклда кўрсатишга уриниб келган. Лекин аслини олганда бундай руҳсиз монументализм одамда фақатгина зерикиш уйғотади, ҳаддан ташқари бўрттирилган улуғворликдан санъат асарининг ғояси бўғилиб қолади. Тошкентда, цирк биноси ортида жуда катта ва басавлат аёл ҳайкали қандай жозиба беради?

МАДАНИЙ МУҲИТНИ ва унинг таркибий қисмларини сақлаш, авайлаш ва ривожлантириш давлатнинг муҳим вазифасидир. Давлат тили тўғрисидаги қонун давлатимизнинг маданиятимизни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган жуда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган қадами бўлди. Шунингдек, асрлар давомида етилган воситалар ҳам борки, улар маданий муҳитни сақлайди ва сайқал беради. Шулар орасида, маросимлар алоҳида ўрин тутади. Маросим — бу маънавий амалиёт, тарбия воситаси. Унга жуда жиддий муносабатда бўлмоқ керак.

МАРОСИМ давлатчилик маданиятини чархлашнинг, ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳам ҳисобланади. Чунончи, мамлакат мадҳиясини куйлаш муқаддас маросим бўлиб, шахсни давлат билан ҳис-туйғу томон юз буриб, унга тикилишлари ва ўнг қўлларини чап кўксиларига қўйиб, гўё юракларини Ватанга бахшида этгандек туришлари менга жуда ёқади. Бундай маросимлар одамлар билан миллий рамзларни бир-бирига яқинлаштиради. Ҳар бир Америка хонадонида давлат байроғининг табиий тарзда сақланиши ажабланарли ҳол эмас.

Ҳар бир маданий-маиший муҳитда қадриятларнинг маълум тизими шаклланади. «Коммунизмни барпо этиш» даврида ишлаб чиқариш тоннажлари ва километрлари жамиятнинг энг муҳим қадриятларига айлантирилди, инсон эса ғоявий ва иқтисодий мақсадларга эришиш воситасига айланиб қолганди. Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш фақат режани бажариш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш учунгина хизмат қила олмайди. У одамлар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганидагина фойда келтирадиган бўлади. Аммо, шу билан бир вақтда ривожланаётган бозор иқтисодиёти инсон маънавиятига бошқача таъсир қилади: янги шароитда тижоратга асосланган, ўртамиёна маданият ҳаддан зиёд тарқалади, баъзи одамлар, айниқса, болалар жиддий китобларни ўқишдан кўра оммавий, иккинчи даражали телекўрсатув ва савияси паст фильмларни томоша қилишни ёқтиришадиган бўлиб қолади. Бу ҳозирги замоннинг кўпгина мамлакатларига хос умумий ва муваққат муаммодир.

Телекўрсатувларнинг матн тахлили ҳам шуни кўрсатмоқдаки, ойнаи жаҳон қаҳрамонлари кўпинча қашшоқ ва қуруқ (ўртамиёна) тилда гапирадилар. Кўпгина телекўрсатувларнинг ўзи эса китоб ўқиш чоғидагидан фарқли ўлароқ ақлни ортиқча ишлатишни талаб этмайди ҳам. Ҳозир ўсиб етилаётган «телевидение авлоди» эса ўзига хос бир қолипда фикрлашга оғиб кетмоқда. Шу боис Ғарб мамлакатларида, гарчи ҳали анча суст бўлса-да, ота-оналарнинг телевиденеига ва оммавий маданиятга қаршилик қилиш янги ҳаракати пайдо бўла бошлади, жумладан, у болаларнинг телекўрсатувларни томоша қилишларини қатъий чегаралашга уринмоқда. Бунда телевиденениинг маданият ва маънавият, қадриятларни тарриб олиб келиш ҳам бизнинг умумдавлат даражасидаги вазифамиздир!

ҲАР БИР халқ маданияти ўзича ноёбдир. Давлатлар ўзларининг бетакрор, ўзига хос маданиятини сақлаб қолишдан бениҳоя манфаатдордирлар. Акс ҳолда давлатлар ўзлигини йўқотадилар ва бошқа мамлакатлар таъсирига тушиб қоладилар. Айнан давлат манфаатлари кўпгина йирик бўлмаган, айниқса Европа мамлакатлари учун ўз маданиятларини, жумладан, кино бозорларини кучайиб бораётган чет эл маданияти таъсиридан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўришни тақозо этган.

Баъзан бир маданиятда қабул қилинган тушунчалар доираси бошқа маданиятга хос бўлган нуқтаи назарни идрок қилишга кенг йўл очиб бермайди. Бу ҳам ҳар бир маданиятнинг ўзича ноёблигини кўрсатади. Биз маданиятимизнинг, айниқса, унинг маънавиятга асосланган жиҳатларини, тушунча ва сўз бойлигини кўз қорачиғидек асрамоғимиз керак. Қаранг, маданиятимизни белгилай оладиган мана бу сўзларимизда қанчалик маънавий ва инсоний бойлик бор: «нафосат», «лутф», «иффат», «ҳалоллик», «оқибат»... Қадрият ва ахлоқий тизимларимиз меъёрлари доимо шахс, жамият ва тарбиятга қаратилган бўлмоғи лозим.

ЎЗБЕКИСТОН — кўпмиллатли мамлакат. Унда миллий маданиятларни ривожлантиришга шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзга маданиятлар неъматларидан баҳраманд бўлиш эркинлиги шахс эркинлиги ва камолатининг муҳим қисмидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ўз ютуқларингдан кифояланиш — хотиржамлик ва калондимоғлик жамият парокандалигининг белгиси бўлиб, у маданиятнинг инқирозга йўл тутишига олиб келади.

Маънавият ва маданият ўзўзидан қадрият дир, турмуш тарзини белгиловчи муҳим омилдир. Зеро, фақат маълум ҳаёт даражасигина одамларга санъатдан ва маданиятнинг бошқа юксак маҳсулларидан чинакамига баҳра олиш, ўзининг шахсий салоҳиятини маънавий неъматлар яратиш соҳасида намоён этиш имконини беради.

Маънавиятсизлик эса давлат учун ҳалокат билан тенг эмасми? Бошқа бир қанча омиллар билан бирга юксак тарихий-маданий ва маънавий-ахлоқий салоҳият мамлакатнинг буюк келажагини барпо этиш сари кенг имконият йўлларини очиб беришини асло унутмаслигимиз керак.

Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
доцент.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

САФЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ –ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти таркибида Нукус шаҳар, 14 та туман, иккита ҳудудий, 912 та бошланғич партия ташкилоти ишлаб турибди. Шаҳар, туман ва ҳудудий партия ташкилотларида 26 минг 626 партия аъзоси бор. Улар халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилотининг асосий иш ҳаракатлари ва йўналишлари ҳақида республика партия ташкилотининг навбатдан ташқари иккинчи конференциясида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Чимбой тумани партия кенгаши биринчи котиби Т. Арзекеева, Қўнғирот туманидаги Менделеев номли мактаб директори С. Темирбоев, Тўрткўл тумани партия кенгаши биринчи котиби Е. Рўзимбетов, Амударё тумани сув қурилиши ПМК экскаваторчиси Н. Ўтамов, Тахиатош шаҳар ҳокими А. Шапиев, Элликқалъа туманидаги «Сарибий» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Г. Сапаева, Тахтакўпир тумани партия кенгаши биринчи котиби О. Матниёзовлар республика партия ташкилотининг фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Республика партия ташкилоти қисқа давр ичида бир қанча муҳим сиёсий тадбирларни амалга оширди. Бироқ, партия интизомини мустаҳкамлаш, ўз сафларини кенгайтириш борасида камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди.

Фуқароларнинг турли қатламларида партия аъзолигига қабул ишларини тубдан яхшилашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Партия сафларини зиёлилар — олимлар, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари ҳисобига тўлдириб бориш каби ишлар суст бормоқда. Айниқса, партия сафларини ёшлар ҳисобидан тўлдириб бориш бошланғич ташкилотларнинг диққат-эътиборида бўлиши лозим. Ахир, сафларни мустаҳкамлашни давр талаб этмоқда.

Республика партия кенгаши ижроия бюроси томонидан депутатлар билан ишлаш бўйича Элликқалъа, Шуманай, Кегайли, Қораўзак, Амударё туманлари кенгашларининг иш тажрибалари ўрганилди ва оммалаштирилди.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков партия ташкилотлари ишларини янада яхшилаш, партия аъзоларининг ташаббускорлигини ошириш ҳақида гапирди.

Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилоти конференциясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Д. Шамшетов ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси вазифасидан озод этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Уббиниёз Аширбеков Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси қилиб сайланди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Конференция ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Мирқосимов иштирок этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Шу кунларда Тошкент метросининг Юнусобод йўналишида олиб борилаётган қазиш ишлари қизғин давом этмоқда. Қийин шароитларга қарамай икки сменада меҳнат қилаётган метро қурувчилар «Амир Темур хиёбони» бекати томон туннелнинг биринчи километрини муддатидан аввал битказишди.

Метро қурувчиларимиз учун энг «бошоғриқ» бўлган муаммо бу — ерости сизот сувлари эди. Лекин бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Биринчи бор Тошкентда жорий этилган янги технологияга асосан сизот сувлари қудратли насосларда сўрилиб, Жангоб каналининг ерости ирмоғига оқизилади. Бу — далаларни суғоришга қўшимча сув бўлади.

СУРАТДА: участка бошлиғи А. Садишев қурувчиларга навбатдаги вазифани тушунтирмоқда.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• Сўраган эдингиз...

ҲАР ИШДА ФАОЛ СИЁСИЙ КУЧ

Муҳарририятимизга кўплаб муштарийлардан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкилий тузилмалари, ижтимоий таркиби, унинг аъзолари сони ҳамда қайси минтақаларда йирик партия ташкилотлари мавжудлиги тўғрисида ва бошқа турли саволлар ҳар куни келиб туради.

Мухбиримиз юқоридаги каби саволлар билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг ташкилий низом-масалалари, партия билети ва ҳисоб шўъбаси мудири М. ХАДАЕВга мурожаат қилди.

— 1994 йилнинг биринчи февралига қадар бўлган маълумотларга кўра, партиямиз сафида 346 минг 701 нафар аъзо бор. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 203 та шаҳар ва туман партия кенгаши ишлаб турибди. Ўзбекистон ХДП тизилмасида 12 мингдан зиёд бошланғич ташкилот мавжуд.

Ўз сафида ҳар бири ўттиз мингдан кўпроқ партия аъзосини бирлаштирган Самарқанд, Қашқадарё Фарғона вилоятлари, уч минг етти юздан беш ярим минг нафаргача партия аъзоси бўлган Қарши, Самарқанд, Урганч шаҳарлари, ҳар бирида уч мингдан кўп ХДП аъзосига эга Қўшкўпир, Чуст, Тўрткўл, Учқўрғон туманлари кенгашлари республикамиздаги анча йирик партия ташкилотлари ҳисобланади.

— Партия таъсири ва обрў-эътиборининг муҳим кўрсаткичларидан бири унинг ижтимоий таркиби эканлиги тўғрими?

— Албатта, бу партия таъсири кенгаётганлиги даражасининг белгисидир. Партиянинг ижтимоий таркиби қанчалик кенг бўлса, аҳолининг партия таъсири доирасига кираётган гуруҳлари шунчалик кўп бўлади. Бизда аъзоларнинг асосий қисми ишчилар ва деҳқонлардан иборат. Улар ХДП жами аъзоларининг 52 фоизини, хизматчилар эса 45,5 фоизини ташкил қилади. Партия аъзоларининг 59 фоизи моддий ишлаб чиқариш соҳасида, 13 фоизи соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимида, қарийб беш фоизи тадбиркорлик фаолияти билан банддир. Хотин-қизлар партия ташкилотлари таркибининг 22,3 фоизини ташкил этади. Ҳар беш партия аъзосининг бири ўттиз ёшгача бўлган ёшлардир.

Партия аъзоларининг маълумот даражаси юқори. Уларнинг 41 фоизидан кўпроғи олий ва тўлиқсиз олий маълумотли. Ўзбекистон ХДП сафида бир минг 500 нафардан зиёд фан доктори ва номзоди бор.

— Истиқболи ҳақида қайғурадиган ҳар қандай сиёсий партия ёшлар билан яқиндан мулоқотга интилади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида бу омил қай даражада ҳисобга олинган?

— Ўтган йили Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинганларнинг таркибини таҳлил этадиган бўлсак, партиянинг ёшларга таъсири борлигига қатъий ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар партияга янги кирганларнинг 42 фоиздан кўпроғини ташкил қилганлиги фикримизга ёрқин далилдир. Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида партияга кирганларнинг ярмидан кўпроғи ёшлар ҳисобига тўғри келади.

— Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан кейин сиёсий партиялар давлатимизнинг янги қонун чиқарувчи олий органига сайловларга тайёргарликни бошлаб юбордилар. Ўзбекистон ХДПда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларига таъсир ўтказишнинг тегишли ташкилий тузилмалари борми?

— Ноибликка номзодларнинг партия рўйхатини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳисобга олинмаса, бундай ташкилий тузилмалар йўқ. Ҳозир партия рўйхатини тайёрлашнинг йўл ва воситалари ишлаб чиқилянти. Сайловчилар орасида партия олиб борадиган ишлар эса ҳудудий партия ташкилотлари зиммасига юкланади.

Бугунги кунда партияда 2636 та ҳудудий ташкилот бўлиб, ҳар тўрт нафар партия аъзосининг бири шу ташкилотлар ҳисобида туради. Кўпгина вилоятларда ҳудудий партия ташкилотларининг шаҳобчаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериляпти. Масалан, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги қарийб ҳар учта бошланғич партия ташкилотининг биттаси ҳудудий ташкилотдир. Навоий, ва Жиззах вилоятларида партия аъзоларининг 50 фоиздан кўпи ана шундай ташкилотлар ҳисобида турибди, улар ишни фаол олиб боряптилар.

ЯНГИЛИКЛАР | ВОҚЕАЛАР | ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ҲИНДИСТОН ФИРМАСИ МАДАДИ

АЛМАТИ. Ҳиндистоннинг «Бул ЕЛПХ ЛТД» фирмаси Қозоғистоннинг экологик офат туманларида истиқомат қилувчи аҳолига ёрдам бериш истагини билдирди.

Ҳинд дўстларнинг ёрдами фақат инсонпарварлик хусусиятидадир. Қозоғистонликлар 5 тонна чой оладилар. Фирма раҳбарлиги бу ишни амалга ошириш учун АҚШ пулида 50 минг доллар ажратиш ниятида. Биринчи навбатда юклар Семипалатинск ва Аральск минтақаларига юборилади. Сув тошқинидан зарарланган вилоятлар ҳам эътибордан четда қолмайди.

ҚИРҒИЗИСТОНГА КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР

БИШКЕК. «Қирғизтурк» маъсулияти чекланган корхонада яқинда Қирғистонга Туркиянинг «Екмасан» корхонасида тайёрланган кичик новвойхоналарни етказиб берган юзасидан шартнома имзоланди. Бу ускуналарнинг тахминий баҳоси АҚШ пулида 65 минг доллардан ошади.

КИЧИК ИШБИЛАРМОНЛИК РИВОЖЛАНАДИ

АЛМАТИ. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки Қозоғистонга АҚШ пулида 114 миллион доллар ажратганлигини маълум қилди.

Бу маблағлар ҳукумат билан ўзаро келишувга кўра, 1994 йил иқтисодиётида кичик тадбиркорлик ва шахсий секторни ривожлантиришга сарфланади.

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

ДУШАНБЕ. Тожикистоннинг Кўрғонтепа шаҳрида душанба куни кечқурун бўлган кўнгилсиз ҳодисада тўрт киши нобуд бўлди, бир неча киши жароҳатланди.

Бу ерда маълум бўлишича, Тожикистон Мудофаа вазирлиги алоҳида мақсаддаги бригада ҳарбий хизматчилари билан ҳеч кимга бўй сунмайдиган жангарилар ўртасида қуролли тўқнашув бўлди. Воқеа содир бўлган жойга мудофаа вазири Александр Шишлянников етиб борди. Бу фавқулодда ҳодисани расмий идоралар шарҳлагани йўқ.

ЯНГИ МАЧИТ

КЎҲНАҚЎРҒОН. Шарқий Помирда диний маданиятнинг қадимги марказларидан бири бўлган бу шаҳар ўзининг авваллги шуҳратини тиклмоқда.

Мурғоб қишлоғига яқин жойда ўз меъморчилигига кўра чиройли бино қурилиб тайёр қилинди. Эндиликда мусулмонлар бу ерда жума намозини ўқимоқдалар.

«ДОН» ДАСТУРИ ИШГА ТУШГАЧ АҲОЛИГА УН ВА НОН БЕПУЛ БЕРИЛАДИ

АШГАБАТ. Туркманистон иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши ҳукумат амалга ошираётган «10 йил фаровонлик» дастурининг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда аҳолига газ, сув ва электр қуввати бепул берилаётган бир пайтда Туркманистон фуқароларини бепул ун ва нон билан таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинмоқда. Бу тадбирни 1997 йилда «Дон» дастури амалга ошгач жорий этиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари аҳолини бепул туз билан таъминлаш масаласи эса яқин ойлар ичида рўёбга чиқиши кутилмоқда.

— Бизнинг имкониятларимиз,— дейди мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзов,— аҳолига дори-дармонларни бепул бериш имкониятини истисно этмайди.

НОРАСМИЙ МУЛК МУСОДАРА ЭТИЛАДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон божхоналар Давлат қўмитасидан хабар беришларича январ ойининг дастлабки кунларида божхоналар пунктларида ўтказилган текширувларда талай норасмий мулклар ушланди.

Январнинг дастлабки ўн кунида ушланган моллар ва пулларнинг умумий қиммати 1 миллион 742 минг рубль ва АҚШ пулида 65 минг доллардан иборат бўлди.

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАЙДИ

БИШКЕК. Шу йилнинг бошида эълон қилинган маълумотларга қараганда, мамлакатда ўтган йили чорва молларининг сони камайиши кузатилган.

1992 йилдаги маълумотларга нисбатан 1993 йилда йирик шохли қорамоллар 101,4 минг бошга камайган, отлар 15 минг бошга, парранлар 1.893 минг бошга, чўчқалар 58,3 минг бошга камайган.

Қанд лавлаги экиш майдонлари икки марта кўпайтирилишига қарамай, аввалги йилдагига қараганда 1,5 марта кўп ҳосил олинган.

ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ХИМИЯ КОРХОНАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

АЛМАТИ. «Каратау» холдинг компанияси акциячилари ва «Ўздавхимконцерн» билан ҳамкорликда фосфор хомашёси ишлаб чиқариш бўйича шартнома имзоланди.

Бу қўшма корхона «Каратау» акциячилик холдинг компанияси ва «Ўздавхимконцерн» корхоналари базасида шу йилнинг охиригача бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Унинг қуввати йилига 2,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат бўлади.

ТОЖИКЛАР УМРАГА САМОЛЕТДА БОРИШМОҚДА

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикасининг фуқароларидан 145 киши умра ибодатини ўтказиш учун самолётда Душанбедан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига учиб кетдилар.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

ЛЕНИНОБОД. Тожикистоннинг иқтисодий ислоҳотлари тарихида биринчи марта самара берадиган ибратли кенгаш ўтказилди.

Буни Ленинобод вилояти ижроия қўмитаси катта ишбилармонлар ва кичик тижоратчилар билан биргаликда ўтказди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• *Қарор ва ҳаёт*

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИМОРАТБОП ЁҒОЧ-ТАХТА ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўзбек борки, жамғармаси кўпайса уй қуради, тўй қилади. Қадим-қадимдан шундай. Иқтисодий мустақиллик шароитида республика ҳукумати аҳолининг ёғоч-тахта материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлларини изламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда қабул қилган «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлди. Бу, ҳукуматимизнинг бош ислоҳотчи сифатида амалга ошираётган муайян тадбирларидан бири, албатта. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий мустақилликка эришиш учун аввало иқтисодий мустақилликка эришиш лозим, деган сўзлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигининг яққол кўриниши деб биламиз.

Муайян шароит шундайки, 1991 йилга қадар республикамизга ҳар йили Россия Федерациясидан 10 миллион куб метрдан зиёд ёғоч-тахта келтириларди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқаридан ёғоч материаллари келтириш ҳажми кескин қисқариб, баҳоси ҳаддан ташқари ошиб кетди. Ҳозирги кунда 1 куб метр тахта баҳоси йўл харажатларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1 миллион сўмгача етмоқда. Натижада республикамизнинг ёғоч маҳсулотларига эҳтиёжларини таъминлаш катта муаммолардан бирига айланди. Бу эса уй-жой қурилишига, корхона-иншоотларни ишга туширишга суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мебель ва ёғочни қайта ишлаш корхоналари тўла қувват билан ишлай олмаяпти, республикада қоғоз танқислиги кучаймоқда.

Ўтмишга назар солайлик. Республикада дунёни ҳайратга солиб турган осориатиқалар, ўймакорлик ва наққошлик санъати дурдоналари ҳисобланмиш ноёб архитектура ёдгорликлари учун ёғочни ота-боболаримиз асли четдан келтиришмаган. Уларнинг ҳаммасида ўз тупроғимизда ўсган терак, тут, ёнғоқ, қайрағоч дарахтлари ишлатилган. Бу дарахт турлари ўзининг ноёблиги, қаттиқлиги, чидамлиги ва сифат жиҳатидан Россиядан келтирилган ёғочлардан қолишмаган. Ҳатто 1940 йилларгача ҳам республикамизда ёғоч маҳсулотларига бўлган талаб маҳаллий хом ашё ҳисобига қондириб келинган.

Тўғри, ҳозирги ишлаб чиқариш суръати ва қурилиш миқёсларини ўша даврларга қиёслаб бўлмайди. Лекин қўл қовуштириб, кимдандир умидвор бўлиб ўтириш ҳам ярамайди. Биз ўз имкониятларимизни зудлик билан ишга солишимиз зарур.

Республикамизда ёғоч маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш учун шарт-шароитлар етарли. Доно ва тадбиркор халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бири — ўғил туғилганда унга атаб 21 терак экиш удуми эсингиздами? Фарзанд улғайиб, оила қурганда теракзорлар барпо этиш зарур. Экин майдонлари, ариқ-канал бўйларига, йўл четларига, ташландиқ ерларга терак, тол, ёнғоқ, чинор, қайрағоч кўчатлари экиш лозим.

Қабул қилинган қарорда 1994—2003 йилларда ҳар йили 10 минг гектардан терак ва бошқа тез ўсувчи иморатбоп дарахтлар экиш топширилган. Бу вазифани бемалол уддалаш мумкин. Шу иш амалга оширилса, у яқин ўн йил ичида ўзининг катта иқтисодий самарасини беради. Чунки 1 гектар теракзордан 10 йилда камида 500 куб метр ёғоч олинади. 10 минг гектар ердан эса бир йилда 5 миллион куб метр ёғоч чиқади. Ҳар йили 10 минг гектар ердаги кесилиб, ўрнига янги кўчатлар экиб борилса бу иш табақалаштирилган ҳолда олиб борилса янада самарали бўларди. Қарорда кўрсатилгандек. 100 минг гектар теракзор учун ажратиладиган майдон республикадаги суғориладиган ерларнинг атиги 0,4 фоизини ташкил қилади, холос.

Қолаверса, теракчилик ҳам сердаромад соҳа ҳисобланади. Айтайлик, 1 куб метр ёғоч-тахта 1 миллион сўм бўлса, 5 миллион куб метри 5 триллион сўмни ташкил этади. Агар ана шу 5 миллион куб метр ёғоч саноатда қайта ишланиб, турли уй-рўзғор ва бошқа маҳсулотларга айлантирилса, даромад янада кўпаяди.

Сурия давлатида биттагина Хафиз Асад теракчилик хўжалиги бутун аъло навли ёғочга бўлган эҳтиёжни қоплар экан. Ёки бўлмаса, Хитойнинг Қашқар вилоятида бир киши ҳисобига 1000 туп терак дарахти тўғри келар экан. Эътиборга сазовор бўлган яна бир масала. У ҳам бўлса Хитойда 11 ёшдан юқори ҳар бир фуқаро йил сайин 3-5 дарахт экиб (асосан терак ва қайрағоч) кўкартириб берар экан. Мабодо, суғормасдан, парвариш қилмасдан қуритиб юборса, катта жарима тўлашади. Кўкарган кўчатларни махсус ўрмон полицияси ва маҳаллий ҳукумат жавобгар ходимлари қабул қилиб олишар экан.

Теракка бўлган эътиборни бир мисолда кўриш мумкин. Туркия давлатида Истамбул ва Анқара шаҳарларига ҳам бефарқ бўлиб қолдик.

Ёғоч муаммосини ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли — республикада терак ва бошқа тез ўсар дарахтлар етиштиришга жадал кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун терак ва иморатбоп ёғоч дарахтлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилиш, мавжуд давлат ва жамоа хўжаликларида теракзорлар барпо этиш зарур. Экин майдонлари, ариқ-канал бўйларига, йўл чеккаларига, ташландиқ ерларга терак, тол, ёнғоқ, чинор, қайрағоч кўчатлари экиш лозим.

Қабул қилинган қарорда 1994—2003 йилларда ҳар йили 10 минг гектардан терак ва бошқа тез ўсувчи иморатбоп дарахтлар экиш топширилган. Бу вазифани бемалол уддалаш мумкин. Шу иш амалга оширилса, у яқин ўн йил ичида ўзининг катта иқтисодий самарасини беради. Чунки 1 гектар теракзордан 10 йилда камида 500 куб метр ёғоч олинади. 10 минг гектар ердан эса бир йилда 5 миллион куб метр ёғоч чиқади. Ҳар йили 10 минг гектар ердаги кесилиб, ўрнига янги кўчатлар экиб борилса бу иш табақалаштирилган ҳолда олиб борилса янада самарали бўларди. Қарорда кўрсатилгандек. 100 минг гектар теракзор учун ажратиладиган майдон республикадаги суғориладиган ерларнинг атиги 0,4 фоизини ташкил қилади, холос.

Қолаверса, теракчилик ҳам сердаромад соҳа ҳисобланади. Айтайлик, 1 куб метр ёғоч-тахта 1 миллион сўм бўлса, 5 миллион куб метри 5 триллион сўмни ташкил этади. Агар ана шу 5 миллион куб метр ёғоч саноатда қайта ишланиб, турли уй-рўзғор ва бошқа маҳсулотларга айлантирилса, даромад янада кўпаяди.

Ўрмон ҳўжаликларида 3000 гектардан зиёд теракзор мавжуд ва уларнинг тайёр ёғоч заҳираси 270 минг куб метрни ташкил қилмоқда. Айниқса, Қўқон, Наманган, Китоб ўрмон хўжаликларида бу соҳага яхши эътибор берилаётир. Ўрмон хўжалиги ўртасида терак дарахтининг хусусиятларини ўрганувчи махсус илмгоҳ фаолият кўрсатиб турибди.

Демак, расамади билан иш юритилса, бизда ҳам бу вазифани бемалол уддалаш мумкин. Теракдан энг юқори сифатли қоғоз чиқишини унутмаслик керак. Ҳозир қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари қура бошласак, учтўрт йилдан сўнг уларни хом ашё билан тўлиқ таъминлашимиз, пировардида эса республиканинг қоғозга эҳтиёжини тўла қондиришимиз муқаррар. Ваҳолонки, Қўқонда иншилобгача шундай корхона иш юритгани маълум.

Ҳозир ҳам республикамиз ўрмон хўжаликларида 3000 гектардан зиёд теракзор мавжуд ва уларнинг тайёр ёғоч заҳираси 270 минг куб метрни ташкил қилмоқда. Айниқса, Қўқон, Наманган, Китоб ўрмон хўжаликларида бу соҳага яхши эътибор берилаётир. Ўрмон хўжалиги ўртасида терак дарахтининг хусусиятларини ўрганувчи махсус илмгоҳ фаолият кўрсатиб турибди.

Демак, расамади билан иш юритилса, бизда ҳам бу вазифани бемалол уддалаш мумкин. Теракдан энг юқори сифатли қоғоз чиқишини унутмаслик керак. Ҳозир қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари қура бошласак, учтўрт йилдан сўнг уларни хом ашё билан тўлиқ таъминлашимиз, пировардида эса республиканинг қоғозга эҳтиёжини тўла қондиришимиз муқаррар. Ваҳолонки, Қўқонда иншилобгача шундай корхона иш юритгани маълум.

Ҳозир ҳам республикамиз ўрмон хўжаликларида 3000 гектардан зиёд теракзор мавжуд ва уларнинг тайёр ёғоч заҳираси 270 минг куб метрни ташкил қилмоқда. Айниқса, Қўқон, Наманган, Китоб ўрмон хўжаликларида бу соҳага яхши эътибор берилаётир. Ўрмон хўжалиги ўртасида терак дарахтининг хусусиятларини ўрганувчи махсус илмгоҳ фаолият кўрсатиб турибди.

Табиатнинг инъомини қарангки, бизнинг тупроғимизда дарахтлар тез ўсади. Россияда дарахтлар камида 50-60 йилда вояга етса, бизда ўсадиган тераклар, толлар, эльдор қарағайи 8-12 йилда, тут, ёнғоқ, чинор, қайрағоч 15-25 йилда тўла етилади.

Албатта, ҳар бир ҳудуднинг иқлим-тупроқ шароитига мос келадиган дарахт кўчатларини танлаб экиш зарур. Масалан, шўрҳок ерларда (Сурхон Шеробод массиви) қайрағоч, шумтол каби дарахтларни экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу дарахт кўчатлари 0,9х6 схемасида плантация қилиб экилса, тез ўсиб 8-10 йилда иморатбоп ҳолга келади. Теракзорлардан юқори ҳажмда ёғоч маҳсулотлари олиш учун сув билан етарли таъминланган ва иложи борича тупроғи яхши майдонлар танланиши керак.

Республика ҳукумати қабул қилган қарорни бажариш учун икки муаммони ҳал этиш лозим. Биринчиси, ниҳол етказиб бериш; иккинчиси, экилган ниҳолларни қаровсиз қолдириб нобуд қилмасликдир.

1991 йилги кўкаламзорлаштириш икки ойлигида республикамизда 4 миллион дона, 1992 йилда 8 миллион дона, ўтган йили эса 12 миллион туп терак экилганди. Афсуски, мутасадди кишиларнинг хафсаласизлик ва масъулиятсизликлари оқибатида ҳозир бу кўчатларнинг кўплари қуриб қолди. Ҳисобларга кўра, ҳукумат қарорини бажариш учун ҳар йили ўртача 57 миллион дона кўчат етиштириш керак.

Республика ўрмон хўжаликларида ёғочбоп дарахт ниҳоллари етиштириш билан тўла шуғулланилмоқда. Аммо бу ниҳоллар бутун мамлакат эҳтиёжини қондира олмайди. Агар ушбу савобли ишга давлат хўжаликлари, жамоа ва фермер хўжаликлари ҳам киришсалар айни муддао бўлар эди.

Баҳор эшик қоқмоқда. Республикамизнинг жанубий туманларида ниҳол экиш бошланиб кетди. Бу ишни умумхалқ ҳашарига айлантириш лозим. Кўчат экишга маҳалла оқсоқоллари, фахрийлар, корхона, хўжалик ва ташкилотлар бошқош бўлишлари керак.

Талабалар ва мактаб ўқувчилари ушбу ҳашарда жонбозлик кўрсатадилар, деб ишонамиз. Уларга экилгани эмас, кўкаргани ҳисоблигини тушунтирайлик. Агар киши бошига ҳар йили 20 тадан дарахт экиш ва парваришлаш анъанасини тик лай олсак, қисқа фурсатда юртимизни боғу роғларга буркаган ва энг муҳими ёғоч маҳсулотларига эҳтиёжимизни ўзимиз қондира олган бўлар эдик.

Абдушукур ҲОННАЗАРОВ,
республика Давлат ўрмон кўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси.

Янгийўл агросаноат фирмасининг Навоий участкаси чорвадорлари қишловни намунали ўтказишмоқда. Сигирлар маҳсулдорлиги қишда ҳам камаймаётир. Бунда илғор чорвадорларнинг ҳиссаси катта.

СУРАТДА: ферма илғорларидан бир гуруҳи.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



Чўл шароитида деҳқончилик қилиш, боғ яратиш, чорва моллари боқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта ирода, меҳнатсеварлик, чидам керак.

Бегмат Жайнақов — метин иродали, меҳнаткаш ва чидамли чўл қаҳрамонларидан бири. У Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида тадбиркор фермер сифатида элга танилди.

Асли касби чорвадор бўлган бу заҳматкаш инсон эл дастурхонини тўкин-сочин қилишда фермерлик ҳаракатининг муносиб ўрни борлигини 1990 йилдаёқ англаган. Йил бошида ўзининг эзгу ниятларини баён этиб «Андижон» давлат хўжалиги ва қишлоқ кенгаши раҳбариятига ариза беради. Уларнинг розилигини олгач, туман кенгаши ижроия қўмитасига (ҳокимлигига) боради. Ўзининг фермер хўжалиги ташкил этиш ниятини айтиб, бу ишнинг келажаги борлигига уларни ҳам ишонтирди. Шу тариқа 1990 йил 16 май куни Оқолтин тумани кенгашининг қарорига асосан Бегмат Жайнақовнинг фермер хўжалиги ташкил топди.

Дастлаб давлатдан 43 минг сўм қарз олган фермер шу пулларга қорамоллар сотиб олди, уларни астойдил парвариш қилишга киришди.

Хўжалик тадбиркор фермерга 22,5 гектар суғориладиган, унумдор ер майдони ажратиб беради. Ҳар гектардан 110 центнердан жами 210 тонна беда пичани олишга эришди.

Бундан хурсанд бўлган фермер икки ҳисса ғайрат билан кечаю-кундуз меҳнат қилди, натижа эса кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Фермер 1991 йилда олган қарзларидан батамом қутилди, шундан сўнг у ўз хўжалигини янада кенгайтириш, моллар туёқ сонини кўпайтириш бўйича кўп ишлар қилди.

Ўз қарамоғидаги моллар сонини 130 тага етказди. Шундан 71 боши қорамол, унинг 45 таси эса сигирдир.

Фермер хўжалигида ҳозир 12 киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили Бегмат Жайнақовнинг фермер хўжалиги шартномадаги 55 тонна ўрнига 80 тонна сермаҳсулот сут, 3 тонна ўрнига 4,7 тонна гўшт топшириб эл дастурхонини тўкин-сочин қилишга ўз ҳиссасини қўшди.

Эзгу ниятда яратган 5 гектар майдондаги боғи бу йил ҳосилга киради. Фермер хўжалиги аъзолари ҳам ўз меҳнатларидан, фермер хўжалигида меҳнат қилаётганларидан мамнун. Чунки меҳнат натижаси зўр бўлди. Фермер хўжалигининг соф даромади 3,5 миллион сўм, ҳар бир ишчининг йиллик даромади эса 1,2 миллион сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, 100 дан ортиқ чорва молларига, уларни сақлаш жойларига, тракторга эга бўлишди.

Тиним билмас фермер Республика Президенти ва ҳукуматининг фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги амалий чора-тадбирларига жавобан янада ташаббускорлик билан ишлаётир. Чорвачилик ва деҳқончилик билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ўзига ажратилган ернинг унумдорлигини ошириш йўлларини ахтарди. Минерал ўғитлар жуда қиммат, шуларни ҳисобга олиб у ер унумдорлигини бир неча баравар оширадиган биогумус чиқарадиган Калифорния чувалчанги боқишга қўл урди. Ҳозир хўжаликда 10 миллион дона Калифорния чувалчанги парвариш қилинмоқда. Бу фермерга арзон, юқори сифатли маҳаллий ўғит биогумус ишлаб чиқариш имкониятини яратди.

Эндиликда фермер Б. Жайнақов чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех ўрнатиш тараддудида юрибди. Чунки хом ашё сотса икки ҳисса даромад олиш мумкин, тайёр маҳсулот сотса 10 ҳисса кўп даромад қилишини у, яхши билади.

Ҳозирги кунда тадбиркор фермер Б. Жайнақов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги тарихий фармонидан руҳланиб меҳнат қилмоқда. Чиндан ҳам бу фармон тадбиркорларга катта имкониятлар очиб берди.

Норбобо ШАКАРОВ.

• *Тадбиркор—иқтисодиётга мададкор*

ЧЎЛ БАҲОДИРИ

Инсон ҳаётида бир умр хотирада муҳрланиб қоладиган дамлар бўлади. Бундай лаҳзалар, таъбир жоиз бўлса, одамнинг ҳаёт йўлини, бутун тақдирини белгилайди. Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа ширкат хўжалигининг 3-Кожор ширкати раиси Шамсиддин Жумаев ҳам умр китобини безаган шукуҳли дамларни ҳеч қачон унутмайди.

— Шамсиддин чўлда ишлаб камол топган раҳбар кадрларимиздан, — деди жамоа ширкат хўжалиги кенгаши раиси Суюн Абдиев. — Қарши даштига Амударё сувини бошлаб келган мироблардан бири Тадбиркор йигит. Ҳаракатчан, талабчан. Бир йилдаёқ жамоа ёқиб қолди. Ширкатда диққатга лойиқ ишларни амалга оширишда бош бўлди.

Хўжалик раҳбарининг Шамсиддин тўғрисидаги илиқ гапларини унинг ўзига айтганимизда, ўнғайсизланди.

— Кўп қатори ишлаяпмиз, — деди қизариб.

...Шамсиддин Қарши политехникумидан йўлланма билан «Қаршиқурилиш» бошқармасининг 10-механизациялашган ишлар бошқармасига ишга кирди. Ўшанда бошқарма бошлиғи Ғайбулло Саъдиев унга синовчан назар ташлаб, оҳиста гап бошлаганди:

— Паҳлавон кўринасан, йигит. Сермулоҳаза гапларинг мағзини чақиб кўрсак, ишбилармонга ўхшайсан. Мастерликка тайинласам юзимни ерга қаратмайсан-а?

— Агар ишонсангиз...

У дастлаб бошқармада мастер бўлди. Асрий чўлга сув чиқаришга бел боғлаган заҳматкашлар қатори Қарши машина канали, Миришкор канали, Толлимаржон сув омбори қурилишларида ишлади. Асов Жайҳунни жиловлашда қатнашди. Чўли Бегимқулов номли, «Ленинобод», Собир Раҳимов номли давлат хўжаликларида иншоотлар, уй жой, маданий-маиший бинолар барпо этишда фаол иштирок этди. 6-механизациялашган кўчма коллонада прораб, участка бошлиги бўлиб ишлаган кезларида ўзи туғилиб ўсган Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги марказий қўрғони қурилишида қатнашди. Клуб, мактаб, болалар боғчаси, уй-жой, магазин, дўконлар тикланишида бош-қош бўлди.

Шамсиддин кейин ҳам ўзи ўсган макондан қадамини узмади. Шундан бўлса керак, бир ярим йил олдин Кожор бўлими аҳолиси уни ўзларига бош бўлишни раҳбариятдан талаб қилишди. Ўшанда хўжаликда тажрибали ва ташкилотчи деҳқон, марҳум Умар Баҳромов директор эди. Кунлардан бир кун қишлоқ кенгаши раиси Ғани Дониёров ва партия ташкилотининг котиби Ором Назаров Шамсиддинни ўртага олишди.

— Қишлоғингизга эгалик қилсангиз...

— Эллик-олтмиш кишига бош бўлиш қаерда-ю, бешолти мингга. Ер билан осмонча фарқ бор. — У бир лаҳза довдираб қолди.

— Қачонгача чеккада юрасан, — деди киноя оҳангида директор. — Бундай ўзингни кўрсат-да!

Қараса гап чувалашаяпти.

— Розиман, —деди Шамсиддин.

Кузда ерлар оби-тобида шудгорланди. Ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Ғалла экилди. Шунда ширкат раиси Шамсиддин Жумаев ўз фаолиятини одамларга ғамхўрликдан бошлади. Бева-бечорага қарашди. Ҳеч кимдан моддий ёрдамини дариғ тутмади. Қишлоқ хўжалик ишларида ҳам бурилиш ясашга киришди. Илгари 300 гектар майдон насос билан суғориларди. Чўлда ишлаб тажриба орттирганлиги қўл келди. Янги канал чиқариб, сувни ўз йўналиши билан далага оқадиган қилди. Ғўза парвариши даврида ҳар кеча-кундузда 300 литр ёнилғи тежаб қолинди. Ўн гектарлик боғ яратилди. Кожорда янгидан 6 та кўча очилди. 4 та кўчага шағал ётқизилди. Бир километр йўл асфальтланди. Магазин, ошхона, сартарошхона мунтазам ишлаб турибди. Янги мактаб қурилишига жой ҳозирланди. Ўтган йили 2 гектар ер томорқага ажратилганди. Бу йил шу мақсадда 5 гектар майдонни аҳолига бўлиб бериш мўлжалланяпти. Одамларга арзон нархда дон, мол-ҳолига ем-хашак тарқатилди.

Ўтган ёз ва кузда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда ҳосил чўғи баланд бўлди. Давлатга 1881 тонна дон, 260 тонна ўрнига 284 тонна сабзавот топширилди. Бош ҳосилот Шомурод Султонов, илғор бригада бошлиқлари Усмон Каримов, Мамат Ботиров Ойсара Гелдиева, Жўра Сафаров сингари ЎзҲДП аъзолари аҳоли ўртасида обрў-эътиборли одамлар билан бамаслаҳат иш тутиб кам бўлмади. Ширкат ҳамма соҳада йил якунида хўжаликда биринчиликни эгаллади.

Ҳақиқат шундаки, биринчи бўлиш осон эмас. Карвонбоши учраган тўсиқларни енгиб ўтиши, муаммоларни бартараф этиши зарур бўлади. Қаҳрамонимиз шу тартибда иш тутди Шамсиддин Жумаевнинг қалбини тирнаётган қатор муаммолар Кожор қишлоғида ҳам оз эмасди. Унинг кўнглига эзгулик уруғини сочаётган кўпдан-дўп режалари ҳам бор. Одамларнинг оғирини енгил қилиш — унинг айни муддаоси.

Қишлоқда хонадонларнинг ярмидан кўпи чучук сув билан таъминланган. Аҳолини ичимлик тоза сув ва табиий газ билан тўла таъминлаш — унинг эзгу нияти. Қачонгача аёллар ўчоқда тезак ёқишади?

Ширкатда 450 киши ишлайди. Лекин мингдан зиёд меҳнатга яроқли одам бор. Уларнинг бола-чақа боқиши, иш билан таъминлаш учун бригадаларни йириклаштирмоқчи. Бичиқчилик-тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш цехлари, устахоналар очмоқчи.

— Буларнинг харажати ҳам оз бўлмаса керак, — дедим унинг режасини англаб.

— Албатта, иш ўз-ўзидан бўлмайди. Деҳқончиликдан келадиган даромадимиз ҳам кам эмас, — деди Шамсиддин. — Ширкатнинг фойдаси шундаки, ишлаган тишлайди. Қолаверса, қишлоқда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш — давр талаби. Давлатимизнинг бугунги сиёсати шундай.

У бир зум ўйланиб, сўнг қўшиб қўйди:

— Ширкат аъзолари бўш келмайди. Энг оғирқли жойларимиздан бири — қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини кўтариш. Қадим-қадимдан Туркманистонга карвон йўли ўтган бизнинг қишлоқ наҳотки энди юксалиш сари юз бурмаса? Ёзда тупроқли кўчалар қишда тизза бўйи лой...

Меҳнат аҳлимиз ўз маданият саройи, бадиий ҳаваскорлик ансамбли, бозор ва хусусий дўконлари бўлишини орзу қилади. Ва шу йўлда улар ғайрат ва шижоатларини аямайдилар.

Зотан, инсон учун ўз халқига хизмат қилишдан ҳам ортиқ бахт борми? Шамсиддин ана шундай бахт йўлида интилиб, ҳориб-чарчамаяпти. Бир сўз билан айтганда, бутун салоҳиятини ишга солмоқда.

Яқинда туман партия конференциясидан қўнғироқ бўлди. Партия конгашининг иккинчи котиби Жўра Ботировнинг далолатича, Шамсиддин Жумаев хўжалик бошланғич партия ташкилотига партия сафига ўтиш учун ариза берибди.

Мусо ҚАРОМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги аъзолари ўтган йилни яхши якунлашди. Эл дастурхонига 12 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб берилди. Иссиқхона хўжалигида эса бу йил ҳар гектар майдондан 80 тоннадан маҳсулот етиштириш мўлжалланаётир.

СУРАТДА: иссиқхона хўжалиги бригада бошлиғи Собиржон Нишонов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

• *Қишлов—синов*

«ЧОРДАРА» ҚОРАКЎЛИ

Ҳозир олис Қизилқум кенгликларида, Томди, Учқудуқ, Нурота, Конимех яйловларида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, кечалари 18—20 даражагача совуқ бўлаяпти. Бу эса чорвадорларни оммавий сафарбарликка чорлаяпти.

Шундай сафарбарликни Конимех туманидаги «Чордара» давлат хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур хўжалик асосан қўйларни бўрдоқига боқиш ва қорақўлча тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ҳар йили ўртача 55—56 минг бош қўй уч ой давомида семиртирилиб, гўштга топширилади. Ўтган йили «чордара»ликлар 57 мингта қўйнинг ҳар қайсисини 49,5 килограммдан семиртириб, эл дастурхонига режадаги 2700 тонна ўрнига 3 минг тонна гўшт етказиб беришганди. Шунингдек, улар 4300 ўрнига 6700 дона қорақўлча тайёрлаб, пешқадам бўлишди. Маълумки, қорақўлча ишлаб чиқариш ушбу хўжалик иқтисодиётининг ўзаги ҳисобланади.

Аслида «Чордара»га Томди, Учқудуқ ва Конимех туманларидан ориқ, қари қўйлар келтирилади. Шундай бўлиши табиий. Чунки, серпушт, ёш она қўйлардан камида уч-тўрт йил давомида қўзи олинади. Аксарият совлиқлар эса эгиз унум беради. Шундай экан, бу хўжаликка ҳеч қачон сермаҳсул совлиқ гўшт учун боқишга топширилмайди. Бироқ, хўжалик бўрдоқибоқарлари ана шу ориқ қўйларни ҳам қатъий рацион асосида, ўта ширали озуқалар билан боқиб, бир вақтнинг ўзида қочириб олиш тажрибасини ҳам ўзлаштириб олишган.

Бу кони фойдадир. Улар барвақт қочирилган қўйлардан ҳам қўзи, ҳам гўшт олишади. Зеро, асл қора кўлча олиш учун совлиқ туғишига 20—22 кун қолганда сўйилади. Энг салмоқли ва сифатли қорақўлча учун хориждагилар ўн, ўн беш доллар беришга тайёр.

Бурноғи йили биргина қорақўлчанинг ўзидан хўжалик чорвадорлари 200 миллион сўм фойда кўришди.

«Чордара»ликлар ўтган йили қарийб 34 минг бош қўйни бўрдоқига боқишди. Ҳар бир семиртирилган қўй ўртача 50 килограммга етказиб топширилди. Бу — юқорида қайд этганимиздек, хўжалик чорвадорлари тўплаган бой тажриба натижасидир. Айни шу кунларда хўжалик барча бўлим ва бригадаларида 17 минг бошдан ортиқ қўйлар боқилаяпти. Улардан февраль ойида қорақўлча ва гўшт олинади. Шу боис ҳам қишловни намунали ўтказиш, боқилаётган қўйларнинг тўла семизлигини таъминлаш барчанинг диққат-эътиборида.

— Хўжалик иқтисодиётининг ривожи асосан шу кунги ишларимизга боғлиқ, — дейди бош чорвашунос Совет Мунсизбоев. — Чунки шу совуқ кунларда қўйларга тўйимли озуқа ва илиқ қудуқ сувлари берилса маҳсулдорлик шу қадар ортади. Бўрдоқи молларни тез-тез ҳаракатлантириб турмоқ керак.

Дарҳақиқат, С. Мунсизбоев қайд этганича бор. Хўжаликда чорва қишлови бечиқим ўтаяпти. Бу ўринда Норимбет Сапарбоев, Давлат Садиров, Алдан Есинбоев, Оқсулув Қурбонбоева, Жуматой Янаев сингари оператор ва бўрдоқибоқарларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Уларнинг ўзаро беллашиб, тажриба алмашиб ишлашлари туфайли ем-хашак тежалиши, моллар маҳсулдорлигини ортиши таъминланаяпти. Энг қувончлиси, «Чордара»ликлар ёз ойларидаёқ мўлкўл хашак ва омухта ем ғамлаб олишганди. 750 тонна беда пичани, 2000 тонна сенаж, 450 тонна сомон, 900 тоннадан ортиқ силос қишлов учун тайёр. Айниқса, бу йилги шароитда 250 гектар майдонда қора бугдойдан мўл ҳосил етиштирилганлиги чорва озуқаси сероблигини таъминлади.

Хуллас, «Чордара» чорвадорлари яхши ният билан қиш қийинчиликларини енгишяпти. Қишлов беталафот ўтаяптими, демак эрта баҳорда ютуқлар қўлами орти ши, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалари ошириб бажарилиши аниқ.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Янги топилма*

ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ НОЁБ НУСХАСИ

Ҳа, Самарқанддаги ўлкашунослик музейида Қуръони Каримнинг мусурмон дунёсидаги энг ноёб нусхаларидан топилди.

Музей ходими, филология фанлари номзоди Исомиддин Салоҳий шогирдлари келтирган бу улкан китобни синчиклаб кўргач, унинг ниҳоятда нодир эканлигини тушуниб етди. Гап шундаки, Қуръони Карим 32 варақдан иборат бўлиб, бўйи 156 сантиметр эди. Китоб ўша даврда Самарқандда ишлаб чиқарилган нафис қоғозга чоп этилган. Муқоваси эса кийик терисидан.

— 1854 йилда Бухоро амири Амир Насруллахон Бибихоним Жомеъ масжидни ҳавлисига қўйиш учун Қуръон китоби ясашга фармон беради, — дейди Исомиддин ака бир оз суҳбатда. — Бу ишни самарқандлик иқтидорли ҳаттот Мулла Муҳаммад Ҳасан Самарқандийга топширади. Китобдаги муҳрдан маълум бўлишича, у Бибихоним масжидида вақф этилган.

Дарвоқе, бу ҳақда самарқандлик тарихчи қози калон Хўжа Мир Низомиддин ибн Мир Абдулғаффор ёзиб қолдирган.

Шуниси диққатга сазоворки, Қуръони Каримнинг ҳар бир саҳифалари чети чинор ва ёнғоқ дарахтларидан тилиб олинган тахтачалар билан маҳкамланган, ораларига эса ёпишиб қолмаслиги учун ипак қоғозлар қўйиб чиқилган. Биринчи саҳифанинг юқори қисмига нақшинкор унвон ёпиштирилган. Унинг остига эса тилла суви югуртирилган олтита чизиқ тортилган.

Самарқанд жамоатчилиги, мутахассислар, ҳатто дин аъёнлари ҳам Қуръони Каримнинг ушбу нусхаси мусурмон дунёсидаги энг нодир, ноёб китоб эканлигини таъкидламоқдалар. Газетамизнинг келгуси сонларида биз бу ҳақда батафсил хикоя қиламиз.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 51

1994 йил 22 февраль.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• *Тадбиркорга омад ёр*

ИШИДАН ҚОНИҚМАГАННИНГ ИШИ ЮРИШАР

● Бозор иқтисодиётига ўтиш талаблари тахминий ҳаракатларни, ўйламай босилган қадамларни кечирмайди. Аниқ ҳисоб-китоб, амалий иш, тадбиркорлик асосий шнори бўлган раҳбаргина ўз жамоаси олдида ер чизиб қолмайди. Бинобарин, республикамизнинг ҳар бир фуқароси замон тақозоси билан яхши ҳисобчига айланиб бораётгани ҳам тааҳжубланарли эмас.

У эндиликда нима экса, шуни ўришини, эскиси янгисини асрашни, ҳисобни билмаса ҳамёнидан ажралиб қолишини икки карра икки — тўртдай англаб турибди. «ЎЗОЗИҚОВҚАТ» концернига қарашли ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ жамоаси ҳам бундан мустасно эмас.

Тошкент тамаки фабрикасининг бош директори Орифжон Маҳмудов ва корхона бош муҳандиси Одилжон Усмонов уругутлик тамакикорлар билан суҳбатда.

ИЗЛАГАН ИСТАГАНИНИ ТОПАДИ

Корхона директори Орифжон Маҳмудовни турли йиғинларда, турли шароит ва вазиятларда учратганмиз. Лекин ҳар сафар уни нимадандир қониқмаётгани, муаммоларга муросасизлиги ёки қайсидир идора ишидан норози бўлиб турганининг шоҳиди бўлганмиз. Ва, албатта, раҳбарнинг кайфиятига ошно бўлган киши «корхонада ишлар юришмаётган экан-да» деган хулоса чиқариши ҳам табиий эди. Ана шулар сабабли ҳар ҳолда корхона иши билан яқиндан танишиш ниятиёқи туғилди.

Корхонага кириш, чиқиш, милиция назоратида экан. Директорга қўнғироқ қилиб киришга изн сўрадик. У Буюк Британиядан келган меҳмонлар билан банд эканлигини ҳижолатомуз маълум қилди-да, қўли бўшагунча бош муҳандис Одилжон Усмонов билан суҳбатлашиб туришни тавсия этди. Истараси иссиқ, серғайрат директор муовини билан корхона цехларини, янги қурилишларни, маданий-маиший биноларни айландик, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини кузатдик. Фабрика фаолиятига доир турли ҳужжатларни кўздан кечирдик. Республикамиз аҳолисининг бир йиллик эҳтиёжи 17 миллиард дона сигаретани ташкил этаркан. Ўтган йили фабрика шу эҳтиёжнинг қарийб тўртдан бири — 4 миллиард 150 минг дона сигарета ишлаб чиқарган. Бу кўрсаткични бурноғи йилга таққослайдиган бўлсак, 150 миллион донага кўп, демакдир. Давлат буюртмаси эса тўрт миллион дона.

— Собиқ Иттифоқ даврида эҳтиёждан ҳам кўп сигаретлар келтириларди, — дейди бош муҳандис, — кейинги йилларда алоқалар узилиб, четдан тайёр маҳсулотлар ёки хом ашёлар келтириш мушкул бўлиб қолди. Эндигина ўша пайтларда қўл-оёғимиз боғланганлигини, хом ашё базаси бўлиб келганлигимизни англаб турибмиз. Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикалар билан банк алоқалари узилгач, ҳам қўл қовуштириб ўтирмадик. Излаган истаганини топади, деганларидек, ҳозирги шароитда ҳам корхонамизнинг бир меъёрда ишлаб туриши таъминланмоқда. Арманистондаги қирғинлар ишлаб чиқаришни издан чиқаргани сабабли у ердан олинадиган сигарета фильтрлари келмай қўйганига икки йил бўлди. Лекин биз бошқа республикалар билан алоқалар ўрнатиш йўлларини қидирдик. Натижа бесамар бўлмади...

Ҳаёт қизиқ. Биз кўп нарсаларни биламиз деймиз-у, аслида билгандан билмаганларимиз бисёрлигини тан олгимиз келмайди. Масалан, оддий «Астра» сигаретасини олиб кўрайлик. Аксарият чекувчилар унинг тамакиси бўш жойлаштирилганлиги сабабли тўкилиб кетаётганидан нолишади. Аслида бунга бошқа нарса сабабчи. Яъни, уни маҳкам тутиб турувчи хом ашё «скелет» (негиз, асос) тамаки зарур экан. Бундай маҳсулот айни пайтда Молдова Республикасидан келаётганини айтиб беришди. Уларга 1,5 минг тонна «Дюбек» навли тамаки жўнатиб, эвазига шунча миқдорда «скелет»лар олиниши, эҳтиёжимиз учун эса камида 2,5 минг тонна асосга эга бўлишимиз лозим экан. Бу йўналишда ҳам ҳademай ижобий ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.

ЧЕКИШ ЗАРАРЛИМИ?..

Сигарета, хусусан, тамаки корхонаси ҳақида гап борганда, бу мавзуни четлаб ўтиш қийинга ўхшайди. Гарчанд чекишнинг зарари ҳақида ҳаммамиз ҳам озми-кўпми биласак-да, аммо сигаретани лабимиздан қўймасликка ҳаракат қиламиз. Бу, балки касалликдир, балки ёмон одатдир, иллатдир ёки... нима бўлганда ҳам биз унга кундалик эҳтиёж чойу-нонга ўргангандай талпинишдан ўзимизни тиёлмаймиз. Ҳамма нарсанинг индоллоси бўлганидек, XV аср-



Фабриканинг илғор ишчиси Равил Эксанов иш устида.

нинг охирларида Европага келтирилган тамаки даставвал аста-секин, кейинроқ эса жадаллик билан бутун дунёга тарқалиб кетди. Бир неча йиллардан кейин унинг зарари аниқлангач, чекишга қарши тадбирлар кўрилган бўлса-да, чекувчилар сони камаймади. Айниқса, бундай ташвиқот-тарғиботларда шифокорлар кўпроқ жонбозлик кўрсатишди.

Бошланишда никотин асаб ва бадандаги бошқа тўқималарни «қитиқлаб», кейинчалик турли аъзоларнинг фаолиятини бузади, — деган эди бир суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Раҳмат Аъзамов. — Бунда айниқса асаб, юрак-қонтомир, нафас, эндокрин ва овқат

Аҳил ва тотув Тошкент тамаки фабрикаси жамоаси.

ҳазм қилиш тармоқлари кўпроқ жабрланади. Чекувчиларда юракнинг стенокардия касаллигига чалиниши 13 марта кўп учрайди. Чекувчи аёллардан туғиладиган болаларнинг ўртача вазни чекмайдиганларга қараганда 150—240 грамм кам бўлади. Кўпинча чекувчилар «Чекиш мия қобилиятини оширади, ақлий меҳнат пайтида чекиб турилса фикрлаш қуввати кучаяди» деб ўзларига таскин берган бўладилар. Аслида бундай ҳолатни асаб ҳужайралари никотиннинг «қитиқлаши»га муҳтожлигидан келиб чиқади, деб изоҳлаш мумкин. Хуллас, сигарета ҳам нос ҳам инсон саломатлиги учун ғоят зарарлидир...

Чекишнинг зарари ҳақида фабрика жамоаси ҳам яхши бохабар. Лекин аҳоли эҳтиёжи деган гап ҳам бор. Гарчанд ҳар бир сигарета қутисига: «Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиғингизга зарардир!» деб ёзилган бўлса-да, биз ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, қабилида иш тутамиз. Ўзимизни билмаганликка оламиз. Начора, ҳамма нарсанинг ўз мавриди, вақти-соати бор, деганларидек чекишга рўжу қўйганлар ҳам аста-секин камайиб бориб, ундан воз кечишга журъат этадилар, деган умиддамиз.

КЎПНИ ЎЙЛАГАН КЎПГА ЭРИШАДИ

Корхона маъмурияти олдида иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилмасдан ишчиларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини кун сайин яхшилаб бориш катта вазифа турарди. Бунинг учун эса юқорида таъкидлаганимиздек, хом-ашё заҳирасига уларни сифатли сақлайдиган омборхоналар ва технологияга эга бўлиш шарт эди. Айни пайтда бунга эришиляпти, деб бемалол айтиш мумкин. Фикримизни далиллаш учун бир-иккитагина мисол келтириб ўтсак. Корхонада ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 230—250 минг сўмга тўғри келмоқда. Илғор ишчилар эса бу кўрсаткични 300—350 минг сўмга етказмоқдалар. Ҳар ҳафта якунига қараб қўшимча ҳақ тўлаш тартибининг жорий этилиши ҳар тарафлама манфаатдорликка хизмат қилаётир. Ҳафталик режани бажарганлар 1200 сўмдан қўшимча мукофот пули оляптилар. Бундан ташқари, майди. Тиббиёт шохобчасида терапевт, гинеколог, игна билан даволайдиган шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Корхонамиз ҳовлисида дўкон, чойхона ишлаб турибди. Тандирларда иссиқ сомса ёпиляпти. Ҳademай, новвойхона ишга тушиши керак.

Бой тажрибали ишчи-хизматчилардан Абдусамат Ғойибназаров, Раиса Кандакова, Абдували Аҳмедов, Николай Петросов, Азиза Назароваларнинг таъкидлашларича, маъмурият ғамхўрлиги эвазига жамоа аҳли меҳнатда жонбозлик кўрсатиб ишлаш билан жавоб бермоқдалар. Қарс — икки қўлдан, дейилганидек, жамоадаги ўзаро аҳиллик, мурувват, оқибатлилик пировард натижасида ўз самарасини кўрсатмоқда. Корхона асосий кўрсаткичлар бўйича ўтган йил режасини тўла бажарди. Рентабеллик ошди. Умумий даромад бир миллиард 116 миллион сўмликдан зиёдни ташкил қилди. Даромадга қараб — буромад, деганларидек олинган фойда ҳисобидан жамоа аъзоларининг маданий-маиший шароитларини тобора яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Корхона касаба уюшмаси раиси Галина Сергеевна Лебедева бу борада қилинаётган юмушлар хусусида саволимизга бажонидил жавоб берди.

— Вақтинчалик қийинчиликларга қарамай, ишчилар яхши ишлашяпти. Демак, фабрика ҳам яшаяпти, — деди у. — Маъмуриятнинг меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза этишдаги амалий тадбирларидан кўпчилик мамнун. Барча байрамларга меҳнат фахрийлари, уруш иштирокчиларини бир пиёла чойга таклиф этишимиз ёшларни ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам бераётир. Ёшларнинг иштирокида кексаларга моддий кўмак, турли хайрия ёрдамлари уюштирилиши ва бошқа йўллар билан эъзозланишининг самарасини кўраяпмиз. Ишчиларнинг саломатлигини сақлаш борасида қилинаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ниятимиз бор. Айни пайтда 2-ТошМИ шифохонасида ўн ўринли жой сотиб олганмиз. Семашко номли шифохона билан ҳам бу борада тегишли шартнома имзоланган. Тиббиёт бўлимимизга у ердан таниқли фан намояндалари келиб, тегишли тавсиялар бериб турадилар. Бўстонлиқ туманидаги энг сўлим гўшалардан бири «Хумсон»дам олиш масканида ҳар мавсумда 240 нафар ишчи-хизматчиларимиз мириқиб дам оладилар. Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда ҳордиқ чиқарганлар ҳақ тўламайдилар. Агар жамоа аъзолари оилавий дам олишни исташса, уларга 30 фоиз ҳақ тўлайдилар, холос. Фабрика қошида фаолият кўрсатаётган шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар (фитобар) ишчиларга қўл келаётир. Меҳнатда барака бўлиши, жамоа аҳлининг ортиқча ташвишларга чек қўйиш мақсадида дўконларимиз орқали уларга арзон нархларда картошка, гуруч, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар савдоси уюштирилмоқда. Савобталаб раҳбарларимизнинг ғамхўрликлари фақат шулардан иборат эмас. Мактаб, интернат ва болалар уйи моддий аҳволидан вақти-вақти билан хабар олиб турилади. Анъанага мувофиқ куни кеча жамоа аъзоларидан 30 нафар киши Самарқанд, Бухорога саёҳат қилиб қайтишди. 150 нафар фахрийларимиз ҳолидан эсдоимо хабар олиб турамиз. Шунга ўхшаш тадбирларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

КЕЧАГИ КУНСИЗ ЭРТАНИ ЯРАТИШ ҚИЙИН

Юқорида бозор иқтисодиёти талаблари тахминий ҳаракатларни кечирмайди, деган эдик. Дарҳақиқат, ушбу корхонада бозор муносабатларига ўтиш тараддуди анча илгари бошланганди. Шу боис юз берган иқтисодий мураккабликлар пайтида ҳам корхона орқага чекинмади. Ишчи-хизматчиларни ишсиз қолишига йўл қўймади. Билъакс, уларни ижтимоий-моддий муҳофаза қилишни кун сайин яхшилашга эришмоқда. Эски дастгоҳлар ўрнини янги замонавийлари эгаллаётир. Янги қурилишлар давом эттириляпти. Бу янгиланиш жараёни ҳеч шубҳасиз, жамоада эртанги кунга бўлган ишончни янада кучайтираётир.

— Кечаги кунсиз эртанги кунни яратиш қийин, — дейди фабрика раҳбари Орифжон Маҳмудов. — Шунинг учун ҳам Президентимиз янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг, дея бежиз айтмаганлар. Янгисини кийганингда эски чориғингни унутма, дейди халқимиз. Бу ҳикматли сўзларда олам-олам маъно бор. Ўзингизга маълум, бугунги кунни илғор технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Яқинда Буюк Британиянинг «Бэйти» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этиш юзасидан шартнома тузилганлиги фикримизнинг далилидир. Бундай ҳамкорликнинг туғилиши эса Президентимиз Ислом Каримовнинг Англияга қилган сафари натижаси, деб биламан. Бундай ҳамкорлик икки томон манфаатларига жуда мос тушади. Буюк Британия фирмаси бизга фильтрли сигареталар ишлаб чиқарадиган замонавий машина-ускуналар етказиб беради. Шунда биз ишни икки сменада ташкил қилсак, худди шундай сигареталарни йилига уч-уч ярим миллиард донага етказишимиз мумкин. Бундан ташқари «Бэйти» фирмаси корхонамизга моддий ёрдам ҳам кўрсатади. Натижада биз фақат Ургутдан эмас, балки хориждан ҳам олий навли тамаки харид қилишимиз мумкин бўлади...



Ишчилар иш жараёнини кузатмоқдалар.

АЛҚИССА

Меҳнат жамоасидаги ижобий ўзгаришлар ўз-ўзидан содир бўлмаган. Бу борада корхона мутахассислари, раҳбар ходимлари қолаверса, бутун жамоа аҳлининг сарфлаган куч-ғайратларини таъкидлаш лозим. Ишни ширкат усулида ташкил этган фабрика аҳли олдида ҳали янги технологияни ўзлаштириш, кўплаб муаммоларни ечиш вазифалари турибди. Бу — аҳил жамоани янгича фикрлаш ва ишлашга янада чорлайди, деган умиддамиз.

Абдунаби МАННОПОВ,
Мирбахтиёр МИРФАИЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 324, 330-хоналар.
Индекс: 75487.

• МУНОСАБАТ

ТАРИХ МУБОЛАҒА ЭМАС!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг XII сессиясида сўзлаган нутқида: **«ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим»**, деган эдилар. Ҳақиқатан ҳам 70 йиллик сиёсат халқимизни маънавий жиҳатдан қисиб қўйган эди. Аллоҳнинг шарофати билан истиқлолга эришганимиздан сўнг ўзимизнинг «минг асрлар ичра пинҳон» тарихимизни ўрганишга кенг йўл очилди. Йиллар давомида чанг босиб ётган кўпгина қўлёзма китоблар ўқиб-ўрганилиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Аммо шундай китоблар ҳам учраб турибдики, бу китоб муаллифлари ҳамон ўзларининг эскича коммунистик фикрларидан воз кеча олмаётганга ўхшайдилар.

Шундай китоблар жумласига 1990 йилда чоп этилган «Моя родная история» ва қайта ишланиб 1992 йил ўзбекчада нашр қилинган «Менинг жонажон тарихим» китобларини келтирса бўлади. Бу китоблар муаллифи таниқли тарихчи олим Г. Ҳидоятовдир. Муаллиф бу китобларда жуда кўп чалкаш фикрлар билдиргани сабабли кенг жамоатчиликнинг ва китобхонларнинг танқидига учради.

Китобда соҳибқирон Темур, Яссавий, Ҳожа Аҳрор ва жадидлар оқимига баҳо беришда бир ёқламаликка йўл қўйилган. Ахир бу китоб ўз олдига, ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашни мақсад қилиб қўймаганми? Номи ҳам айтиб турибди-ку «Жонажон тарих» деб. Биз китобга умумий таъриф беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймадик. Шундоқ ҳам мутахассислар фикр билдирган мақолалар кўплаб топилади. Аммо бобомиз Амир Темур фаолиятини қора бўёқлар билан кўрсатилишини бош мақсади нима эканлигини билолмай қўлга қалам олиб, ўз фикримизни билдиришни лозим кўрдик.

Гого Ҳидоятов ёзади: **«Темурнинг Ўрта Осиё бўйлаб қилган барча юришлари ортида култепалар, таланган ва ёндирилган шаҳарлар, кесилган бошлар эҳромлари, қон дарёларининг узун этаклари чўзилиб ётарди».** (155 бет) Аммо бу айтилган бирорта сўз Ўрта Осиё шаҳарларида қилинмаган. Чунки у феодал тузум саркардаси эди. Унинг бундай қатли омлари тўғрисида Ҳерман Вамбери ёзади: **«Тўғри, жазо қаттиқ, лекин АДОЛАТЛИ бўлган. Исфаҳон ва Шеродза у хиёнат туфайли қатл қилинган аскарлари учун қасос олган».**

«Жонажон тарих»да **«У ўзининг мустабид режимини қарор топтирдики, унга қаршилик кўрсатиш азобли ўлим билан жазоланарди»** деган сўзларга нима дейсиз? Чунки бобомиз **«Тузуклар»да «давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтиришини англадим»**, деб ёзадилар. Д. Логофет унинг ишларини (Г. Ҳидоятов «Мустабид» деган тузумини) қуйидагича тасвирлайди: **«Европада конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлишмаган даврларда ана шу «ваҳший»нинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси — Тузук мавжуд бўлган ва амалда бўлган».** Кимни гапига — машҳур Логофетгами ёки «советшунос» Ҳидоятовга ишонишни биз ўқувчилар ҳукмига ҳавола қиламиз.

Яна муаллиф **«Темур ўтроқ турмушга кўника олмади»** деб Темурни «ўзбекларга алоқаси йўқ, у мўғул авлоди» деган бир пайтлар гапирган гапларини тасдиқлайдилар. Аммо «Тузуклар»даги **«Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатдошлари ҳам уни мўғул деб ўйламайдилар»** деб ёзади. Олим илмий асослар билан барлос ва жалоирларни туркланган деб исботлайди. Агар Якубовский ва бошқа олимлар шунга ўхшаш гапларни гапирмаганда ҳам биз Амир Темурни ўзбек халқининг атоқли фарзанди дейишга ҳаққимиз бор. Асли араб (эфиопиялик) аждоди бўлган Пушкинни «улуғ-рус шоири» деб таърифлашган руслардан ўрнак олсак бир жойимиз камайиб қолармиди?.

«Жонажон тарих»да яна бир фикр борки, соғлом ақл эгаси бу нарсани ҳеч қачон қабул қилмаса керак. **«Темур Москвага етиб бормайди... Соҳибқирон тақдир билан ўйнашмасликка қарор қилади»** деган гаплар Темурдек саркарда учун қипқизил туҳмат бўлиб, бу гаплар замирида Соҳибқиронни кўраолмаслик иллатлари ётади. Аслида бу пайтда Москва таланишга арзимайдиган шаҳар ҳолига тушиб қолган, шунингдек, 1382 йилдаёқ бу шаҳарни Тўхтамиш қулини кўкка совурган эди. Г. Ҳидоятов назарига тушган Василий I Тўхтамишдан қочиб, аёллар монастирига яширинган эди. Темур Москвадан икки баробар катта Астраханни талаганини ёзади. Наҳотки, Темур қўрққан бўлса, ахир ўша вақтда Москвада тарихчиларнинг фикрича, «Биби Марямнинг мўъжизакор суратидан бошқа ҳеч бир ҳомий» йўқ эди-ку?

Китобдаги **«Махсус амалдорлар Мовароуннаҳр ташқарисига юборилди ва улар дайдилар ва етим-есирларни тутиб, Меҳнат ресурсларини Тўлдириш Учун ўлкага келтирардилар»** деган гапларни яна бобомизнинг «Тузук»ларидаги: **«Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим». «Дарвеш, фақир ва мискинларга ўзимни яқин тутдим»**, гаплари билан инкор қиламиз. Аслида ношукр бандалар шунақа бўлади, уларга иссиқ ҳам, совуқ ҳам ёқмайди. Агар Темур даврида гадолар кўп бўлганда эди, «Темур даврида гадолар кўп эди, давлат камбағал эди» деб талқин қилишарди.

Г. Ҳидоятов Темур қурдирган обидалар ҳақида ёзар экан, уларнинг кўплари бизнинг кунларимизга етиб келмаган ва бу бинолар «кенг халқ оммасини эксплуатация қилиш эвазига қурилган» дея «эслатиб» Клавихонинг «Темур саройига саёҳат кундаликлари»ни эълон қилди. Бу асарда Клавихо Темурнинг асосан ижобий ҳислатларини ёритиб, «сеньор Тамурбек», «Буюк сеньор» деб таърифлайди. Г. Ҳидоятов Клавихонинг номидан фойдаланиб, «Мамлакатдаги ҳар бир кимса Темур айғоқчиларидан даҳшатга тушиб яшаган» деган фикрни қўрқмай айтаверади. Биз бир тарихчи сифатида бутун масъулиятни бўйнимизга олиб айтамизки, айғоқчилардан қўрқиб яшаш, инсоният яратилгандан буён фақат совет империяси вақтида бўлган. «Жонажон тарих»да Темур асосан қора буёқлар билан тасвирланган.

Гого Ҳидоятов ўзларидан олдинги ўтган, Темур ҳақида фикр билдирган машҳур тарихчи олимлар фикри билан бирор жойда ҳам ҳисоблашмайди. Ҳатто ўзларининг «доҳийси» бўлмиш Карл Маркснинг: **«Темур ўзининг янги подшолигида давлат тузилиши барпо қилди ва унинг берган фармонларига кўра, татар галаларининг қилган ёвузликлари ва ёвойиларча бузиб-ёриб ташлашларига тамомила тескари бўлган қонунлар чиқарди»** деган гапларини ҳам тан олмайдилар. (К. Маркс. Хронологические выписки. т. VI)

Халқлар «доҳийси»нинг фикри билан ҳисоблашмаган олимга Д. Логофетнинг қуйидаги гапларини келтирсак сал фикрларини ўзгартирсалар керак деб ўйлаймиз. Д. Логофет ёзади: **«Жангдан сўнг қўлга олинган ўлжаларнинг энг қимматбаҳоси ва қадрлиси мусаввирлар ва олимлар деб ҳисоблаган одамни ваҳший дейиш мумкинми? У дунёда биринчи бўлиб хат-хабар етказишни — почта хизматини тўғри йўлга қўйди. Эҳ, ҳаммасини санай олмаймиз. Биз Осиё тарихига тааллуқли кўп нарсаларни билмай, билишга ҳам қизиқмай, уни ёввойи деймиз. Эҳ, қанчалар нодонмиз-а».** Ўйлаймизки, Логофетнинг «қанчалар нодонмиз-а». деб фарёд уриши ўзимиздан чиққан олимларга ҳам етиб боради.

Биз, «Менинг жонажон тарихим» китоби тўғрисида битилган қисқача мақоламизни тугатар эканмиз, Гого Ҳидоятовнинг бир вақтлар ёзган фикрларини келтиришни лозим кўрдик. «Ўрта Осиёда азалдан шоирларни қадрлайдилар, чунки улар илғор ғоялар тарғиботчиси, инсонпарвар ва донишманд бўлганлар, юксак ахлоқни, халқлар дўстлигини тараннум этганлар. Шунинг учун ҳам биз бугун ёзувчи ва шоирларимиз ижодига алоҳида маъсулият билан ёндашишга ҳақлимиз. **Аммо ўз тарихини** билмаган шоир... нени ҳам ўргатиши мумкин? Дарвоқе, бу кўпгина ёзувчи ва шоирларимизнинг айбигина эмас, балки **кулфати** ҳамдир. «Бу гаплари билан Ўзбекистон тарихини жуда яхши биладиган, ёзган шеърларининг ҳар сатридан ватанпарварлик, миллий руҳ уфуриб турадиган таниқли шоирни ўз тарихини билмасликда айблаган эдилар. Шеъриятда бадиий муболаға бўлиши мумкин, аммо тарихий китобда ҳеч қандай муболаға ва хатоликлар бўлиши керак эмас.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
Ҳамид МАННОПОВ,
Тошкент Давлат 2-Тиббиёт институти Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчилари.

• *Ташаббус туғилган жойда*

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИК

«Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши жойларда иқтисодий барқарорликка хизмат қиляпти. Маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари ана шу қонунга таяниб иш тутиб, халқ фаровонлиги ва ободончиликка эътиборни қаратмоқдалар.

Қарши шаҳрининг Қарлиғбоғ маҳалласида меҳнат ўқитувчиси Гулчеҳра Пиримқулова ташаббуси билан зардўзлик цехи очилди. У маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бир вақтнинг ўзида 40 дан зиёд қизга зардўзлик касб-ҳунарини ўргатмоқда.

Худди шундай шаҳарнинг «Гулшан» маҳалласида ат лас тўқиш, «Самарқанд» маҳалласида бичиш-тикиш цехлари ишлаб турибди.

Тадбиркорлик ишлари Шаҳрисабз шаҳри ва туманида ҳам авж олди. Ҳокимликлар саъй-ҳаракати билан кичик корхоналар очилмоқда. Бу борада «Хабарлик», «Номозгоҳ» маҳаллаларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Тумандаги Улуғбек номли (раиси Абдуманноб Пиримов), Амир Темур номли (раиси Қурбон Ҳақбердиев) жамоа хўжаликлари, Қамаши туманидаги давлат хўжалиги (директори Раҳматилла Омонов), қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам кичик корхоналар ташкил қилиниб, иқтисодий ислоҳот чечаклари кўзга ташланаётир.

Шаҳрисабз шаҳридаги «Номозгоҳ» маҳалласи (оқсоқоли Шуҳрат Қодиров) ҳудудида мебель фабрикаси жойлашган. Маҳалла фаоллари корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда аҳоли учун қулай шароитлар яратишган. Маҳаллада ошхона, сомсахона, нонвойхона, сартарошхона, магазин, автосервиз очилган. Бу ер кундан-кун яшнаб, обод бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг ишсиз қисмини, айниқса ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида маҳаллалар ҳудудида 20 та кичик корхона ва 25 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият кўрсатяпти. Ҳозиргача 500 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланди.

— Умуман, Қашқадарё қадимдан ҳунармандлар, миришкор деҳқонлар, соҳибкорлар юрти сифатида донг таратган, — дейди вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Темир Ҳидиров. — Жумладан Шаҳрисабзда зардўзлик ва каштачилик, шу тумандаги Ғилон қишлоғида пичоқчилик, Касбида кулолчилик, Косонда косибчилик ривожланган. Деҳқонободда ишлаб чиқарилган шол-гилам, кигизлар жаҳон бозорида рақобатлашган. Мусиқа асбоблари, темирчилик ва бошқа ҳунармандчилик ишлари ҳам вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида бошқа жойлардан кам тараққий этмаган.

Ота-боболарнинг айтишларича, Қаршининг майизи, анжири, қовуни бобомиз Мирзо Бобурни ҳам ҳайратга солган. Лағмон қишлоғининг узуми, Кўчқач қишлоғининг анжири, Яккабоғнинг шафтолиси, Варганзанинг анори қадим-қадимдан машҳур. Вилоят ҳокимлиги аждодларимизнинг асрий қадриятларини асраш — авайлаш, тиклаш ва бойитиш учун маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари, халқ ноиблари ташаббускорлигини янада ошириш чорасини кўраяпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шу йил 23—26 февраль кунлари Андижон вилоятида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёш ишбилармон ва тадбиркорларнинг «Тадбиркор—94» илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.

Мазкур тадбирда вилоят ва республикада биринчилардан бўлиб тадбиркорликни ўринлатиб қўйган, бугунгача маълум тажриба ва сармояга эга бўлолган қобилиятли ишбилармонлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Олимлар, мутахассислар, банк-кредит, ҳисоб ишлари ташкилотларининг, хом ашё ратувчилар ва транспорт ташкилотларининг мутасаддилари билан амалий мулоқотлар ўтказилади. Турли биржа ҳамда фирмалар вакиллари билан битим ва шартнома тузиш имкониятларидан фойдаланадилар.

Музаффар ПИРМАТОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

«АЛЬЯНС ФРАНСЕЗ» САМАРҚАНДДА

Самарқандлик л а р н и н г Франция билан маданий-маърифий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда шундай ҳамкорлик туфайли қадимий шаҳарда «Альянс Франсез» («Француз алоқаси») халқаро уюшмасининг бўлими фаолият кўрсата бошлади. Хорижий давлатлар билан маданий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бу ташкилотнинг асосий вазифасидир.

Уюшма вакиллари француз тилини ўқитиш, самарқандликларни Франциянинг бой маданий, илмий мероси билан таништириш, турли спектакль, концерт ва дам олиш кечалари уюштириш, шунингдек, саёҳатлар ташкил этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Унга аъзо бўлганлар «Альянс Франсез»нинг ҳар йили бир марта Парижда ўтказиладиган француз тили ва маданиятининг энг билимдони кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, бўлимнинг очилиши самарқандликларнинг француз ишбилармонлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишига қулай имконият яратади. Шаҳардаги тадбиркорлар уюшмаси янги халқаро ташкилотнинг ҳомийси бўлганлиги боиси ҳам шунда.

(ЎзА).

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

ҚОНГА БОТГАН БАРМОҚЛАР

Ўтган йил саратон оқшомларидан бирида Бухоро вилоятидаги Ғиждувон шаҳрининг Ғайбулла Болтаев кўчасида бахт тўйи ўтди. Келин-куёв, уларнинг қариндош-уруғлари қувончига болакайларнинг қийқириғи, хонанданинг хониши, раққосанинг нозли ишваси, ҳаттоки кўкдаги юлдузларнинг жилваси ҳам шерик бўлгандек ҳаммаёқ мунаввар эди. Тўйни тенгқурлари билан томоша қилиб турган Раҳматулланинг ҳам қувончи чексиз. Яқин кунларда у ҳам куёвлик бахтига муяссар бўлади. Дўстлари, тенгдошлари атрофида парвона, келин-куёв даврага таъзим қилади. Шу пайт кўкдан бехос юлдуз учгандек бўлди. Бу кимнинг юлдузи экан? Йигитнинг кўнгли хира тортди.

— Акангни топиб бер, — дея кимдир щитоб билан Раҳматулланинг ёқасидан тутди. Йигит бир зум гангиб қолди. Ниҳоят кўзи қонга тўлган қўшниси Фахриддин Тешаевга ва унинг қўлидаги пичоққа тушди.

— Мен сенга айтяпман, аканг қаерда? Гапир!

— Мен билмайман, ахир! — тиллари титради Раҳматулланинг.

Фахриддин Раҳматулланинг ўнг кўкрагига тираб турган пичоғини шаҳд билан суқиб олди. Жон талвасасида Раҳматулланинг кўкрагидан, сачраб чиққан иссиқ қон қотилнинг бармоқларини бўяди. Ширакайф Фахриддин эса ундан жиркангандай нари кетди.

Бир томонда тўй, иккинчи томонда йигит бу ёруғ дунё билан видолашмоқда...

Бундай разил қотиллик қандай келиб чиқди, нима учун бир бегуноҳ йигитнинг умри бемаҳал ҳазон бўлди? Қотил ким?

Фахриддин Тешаев — муқаддам икки марта судланган, тавбасига таянмаган, фойдали меҳнатни ор билган, ичкиликка муккасидан кетган, хотинининг топгантутганига кўз тиккан кимса. Ўша қотиллик юз берган куни у маст ҳолда қайнатасиникидан уйига қайтаётиб аллақаерларда улфатлари билан яна майхўрлик қилади. Тунги соат ўн бирларда кўчасига етиб келса, тўй бўлаяпти. Тўйни томоша қилиб турган қўшнилари Жамол Жўраев, Олим Эргашевларга кўзи тушгач, уларга ҳайқиради.

— Тўйингда менга коньяк қуймадинг-а, номард!

«Малла» (уни шундай деб аташарди) шундай дея Жамолнинг ёқасидан олди, кўйлагини йиртди. Бу етмагандек, «сени ўлдираман», деб уйига равона бўлди. Ошхона пичоғини олиб яна изига қайтди. Бу пайтда Жамолнинг ўрнида унинг укаси Раҳматулла тўйни томоша қилиб турарди...

* * *

Ғиждувон шаҳрининг М. Сайфуллаев кўчаси 27-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, оилалик, қарамоғида икки нафар боласи бўлган Аҳмад Қўлдошев ҳам Мустақим Остоновга оғир тан жароҳати етказди. Буни қарангки, бу жиноят ҳам тўйдан кейин содир бўлди. У тумандаги С. Жабборов номли жамоа хўжалигининг Шоҳанбек қишлоғида яшовчи опасининг тўйига бориб, тўйгунича ичиб, шериги Ҳикмат Шарипов билан шаҳарга қайтишга тараддудланади. Шунда уларга Мустақим Остонов дуч келади. Мустақимга шеригини катта йўлгача велосипедда чиқариб қўйишни илтимос қилади. У «йўловчи»нинг мастлигини кўриб кўнмайди. Шунда Аҳмад йигитга пичоқ уради. Бахтли тасодифга кўра М. Остонов тирик қолди.

Ҳаётда лоқайдликдан ёмон нарса йўқ. Фахриддин Тешаев ҳам, Аҳмад Қўлдошев ҳам маҳалла-кўй, қўни-қўшни, катта-кичикка ўз хулқ-атворлари, ҳатти-ҳаракатлари билан «довруғи» достон эдилар. Лекин уларнинг бу ҳатти-ҳаракатларига шу кўчаларда яшовчи фаоллар, ота-оналар, оқсоқоллар, участка инспекторлари нега лоқайдлик билан қарашдийкин? Фахриддин Тешаев қотиллик содир этган кунда ёнида қайин укаси бўлган. Аҳмад Қўлдошев Мустақим Қўлдошевга пичоқ урганда эса шериги Ҳикмат Шарипов бирга эди. Наҳотки, улар одамгарчиликни, диёнатни унутдилар!?

Ҳар икки қонхўр қилмишига яраша жазоларини олдилар. Аммо, аскарлик хизматини ўтаб қайтган ёш йигит Раҳматулла ҳаётдан кўз юмса, Мустақим Остонов ногиронлар сафига қўшилсаю, биз лоқайдмиз. Лоқайд бўлманг, одамлар. Ҳар сонияда ҳушёр бўлайлик! Токи Раҳматулла сингари умримиз хазон, Мустақимлар сингари таъмаъ ногирон бўлмасин.

Холмурод БАҲРОНОВ,
Ғиждувон туман прокуратурасининг терговчиси.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шаҳрисабз тумани халқ судининг раиси Анвара Тошкенбоева ўз ишига масъулият билан ёндошиши, эл ҳурматини қозонгани туфайли лавозимига қайта сайлангани бежиз эмас. Ҳаминша адолат билан иш тутиш, одамлар қалбига йўл топа билиш унинг фаолиятида ижобий самаралар бериб келмоқда.

Анвара Тошкенбоеванинг ўзи катта оиланинг уй бекасидир. Уч ўғил, икки қизи бор. Турмуш ўртоғи Нажмиддин Исмоилов шифокор. Онаси Санда момо 70 ёшдалар. «Кўриладиган ҳар бир ишни етмишдан ортиқ халқ маслаҳатчилари иштирокида диққат билан ўрганиб чиқамиз», — дейди унинг ўзи.

СУРАТДА: туман халқ суди раиси Анвара Тошкенбоева (ўнгдан иккинчи) халқ маслаҳатчилари билан навбатдаги ишни кўриб чиқмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ЮГОСЛАВИЯДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМАСИ

● **БУХАРЕСТ. Руминия Президенти Ион Илиескунинг таклифига биноан Хорватия Президенти Франьо Тужман расмий ташриф билан Бухарестга келди.**

Руминия Президенти қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Югославиядаги вазиятни барқарорлаштириш йўллари ҳамда икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари борасида фикрлашиб олинди. Ташриф давомида ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзолаш, фан-техника, транспорт соҳаларида икки томонлама ҳаракатларга эришиш кўзда тутилган.

Руминия Хорватия мустақиллигини 1992 йилда биринчилардан бўлиб тан олган эди. Шундан буён турли соҳаларда алоқалар ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган. Айни кунда ўзаро мол айирбошлаш 7 миллион долларни ташкил этмоқда. Хорватия Президентининг Руминияга ташрифи ҳамкорлик ривожига янги имкониятлар яратади, деб хабар беради РАТА — ТАСС ахборот маҳкамаси.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

● **ВАРШАВА. Молдова ташқи ишлар вазири Ион Бутнарунинг Польшага расмий ташрифи ниҳоясига етди.**

Уч кун давомида у Польша дипломатияси раҳбарлари билан учрашди. Ташриф давомида консуллик конвенцияси, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. И. Бутнаруни Польша Президенти Лех Валенса қабул қилди.

АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ БОШЛАНДИ

● **ОТТАВА. Бу ерда Европа парламенти делегацияси билан Канада парламенти аъзоларининг анъанавий 21-учрашуви бошланди.**

Ёпиқ эшиклар ортида ўтадиган учрашувда халқаро муаммоларга бағишланган долзарб масалалар муҳокама этилади. РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, учрашувнинг энг муҳим масалалари Югославиядаги вазият, Канада ва Европа иттифоқига кирувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларидир.

МИХАИЛ ГОРБАЧЕВ ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА БОРАДИ

● **СЕУЛ. Собиқ СССРнинг сўнгги Президенти Михаил Горбачев Осиё — Тинч океани минтақаси тинчлик жамғармасининг таклифига биноан шу йилнинг март ойи охирларида Жанубий Кореяга боради.**

Собиқ Президентни Сеулга таклиф этган жамғарма мамлакатдаги демократик партия раҳбари Ким Тэ Чжун томонидан ташкил этилган. Жамғарма вакилининг Жанубий Корея ахборот маҳкамасига хабар беришича М. Горбачев жамоатчилик асосидаги бу ташкилотнинг форумида XXI асрда жаҳон ҳамжамиятини ривожлантириш йўллари ҳақида маъруза қилади.

Берлин филармонияси жаҳонга машҳур.
СУРАТДА: навбатдаги асар магнит тасмасига ёзиб олинмоқда.

ПОКИСТОН БОСНИЯГА АСКАР ЮБОРМОҚЧИ

ИСЛОМОБОД. Уч минг нафар покистонлик аскарни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Босния ва Герцеговинада тинчлик ўрнатувчи кучлари таркибига юбориш мўлжалланмоқда.

Бироқ, уларни мўлжалланган жойга етказиш масаласи муаммо бўлиб турибди. БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Покистон раҳбариятига миннатдорчилик билдирар экан, молиявий танқислик муаммоси кўндаланг бўлиб турганини яширмади, деб хабар беради Покистон ахборот маҳкамаси.

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

БОНН. Германия мудофаа вазири Фольклер Рое расмий ташриф билан Швейцарияда бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра, у Швейцариянинг ҳарбий департаменти раҳбари Каспар Филлигер ва Ташқи ишлар департаменти бошлиғи Флавио Котти билан учрашган.

Германия ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, ташриф давомида Германия ва Швейцария ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари ҳамда Европада хавфсизлик сиёсати муаммолари муҳокама қилинган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

• ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ҲАМ ЖОН БЎЛҒИЛ

«Аллоҳ олиҳимматни яхши кўради ва яхши хулқларни ёқтиради».

«Аллоҳ ночор, қийналган одамга яхшилик қилганни яхши кўради».

«Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлиридир».

«Яхшилик чиримайди».

(Ҳадислардан).

МЕҲРДАН БАХТ ТАХТИНИ ЯРАТГАН

Қизиқ, хоразмликлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, «Бектош ака бизники», дейишади. Андижонликлар эса «йўқ, у киши —бизники», деб туриб олишади. Самарқандликларга-ку гап йўқ: «Ўша даврда раҳматлик Шароф Рашидовдан сўнг биз учун энг ардоқли киши Бектош ака бўлган», дейишади улар.

Худо юқтираман деса шундай бўларкан. Лекин шуни айтиш керакки, сендан ҳаракат — мендан баракат, деган гап ҳам бор. Ҳар кимнинг феълидан буюради. Бу кишининг қандайдир сеҳри бор. Бир топқир суҳбатлашган киши яна учрашсам, дея ният қилади. Нимаси биландир одамларни ўзига оҳанрабодай тортади. Ундаги самимийлик, одамийлик, очиқ чеҳралик, камтар-камсуқумлик, кўнгли чўкканлар дардига малҳам қўймоққа ҳамиша ҳозиру-нозирлик, ўша биз боя айтган, сеҳрнинг қирралари бўлса ажаб эмас. Эркак кишининг жамоли тилдир, деб бежиз айтмаганлар. Дилкашлигининг ўзи бирдунё, киши руҳига ҳузур бахш этади.

Болалиги оғир ўтди. Онадан ҳам, отадан ҳам эрта ажралди. Ҳаёт чиғириқлари обдон пишитди. У атрофдаги воқеаларга, одамларга тенқурларига нисбатан теранроқ қарарди, хулосалари ҳам, тутадиган йўл-йўриқлари ҳам ўзгачароқ бўларди. Ўқиш, билим олиш, мактабда ўқитувчилик, сўнгра район ижроия комитетида раислик, район партия комитетида котиблик — бу ҳаёт пиллапояларини биринкетин босиб ўтади.

...1965 йил февраль ойининг бошларида «Хоразм ҳақиқати»нинг 10 мингинчи сони чиқиши муносабати билан унинг муҳаррири раҳматли Эгам Раҳимнинг шахсий таклифига биноан Рихсивой Соҳибоев (раҳматли ўша пайтда республика Олий Совети Президиумининг котиби эди, газетага ҳамда журналистларга ҳукумат мукофотларини топшириш учун бораётганди), Мақсуд Қориев («Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири) ва камина (ўша пайтда «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳаррирининг ўринбосари эдим) Урганчга бордик. Тантаналар кутилгандан ҳам аъло даражада ўтди. Барча тадбирларда ишбоши Бектош Раҳимов. Ундаги қайноқ юрак ҳарорати ҳаммага кўчгандек. Хўжаликларда, корхоналарда бўлдик, зиёлилар, ижодкорлар билан учрашдик. Ҳамманинг оғзида Бектош ака. «Бахтимиз шундаки, — дерди улар. — қадриятларимиз баҳосини биладиган, инсонни улуғловчи киши вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб келди». Кишилар кўнгли чоғ, руҳи ниҳоятда баланд эди. Қизиқ, бу кишининг Хоразмга келганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, лекин одамлар қалбидан бу қадар чуқур жой олганлиги ўшанда бизни ҳайратга солганди. У Хоразмда ўзидан ўчмас из, яхши ном қолдирди. Хоразмликларнинг «Бектош ака — бизники», дейишларининг боиси ҳам худди шунда бўлса ажаб эмас.

Орадан йиллар ўтди. У Андижондек улкан вилоятга раҳбар этиб сайланади. Ўшанда орадан икки-уч йил ўтгач, касбдошлар билан Андижонда бўлдик. Юз берётган катта ўзгаришларни кўриб, бошқалар қатори биз ҳам ҳаяжонландик. Вилоят иқтисоди юксалаётганди, маданий соҳалардаги ўзгаришлар кўзга яққол ташланиб турарди. Айниқса, ободонлаштириш, янги боғ-роғлар бунёд этиш борасидаги ишларнинг кўлами чўнг эди. Ҳатто қақроқ қирларга сув чиқарилиб, уларда замонавий «Боғишамол»лар барпо қилинди. «Бектош ака билан ишлашнинг ўзига хос гашти бор, кишида қандайдир руҳ пайдо қилади», дейишарди андижонликлар. Ў кишилар билан бирга бўларди ҳамиша. Одамлар хурсандчилигини ҳам, ташвишларини ҳам бамисоли туғишган оғадек баҳам кўрарди. Ўзидан кечиб, бор куч ва иқтидорини сарфларди шу диёр учун. Не бахтки, Андижонда ҳам у ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдирди. Бу шундай илоҳий бахтки, ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди. Унинг яхши ният билан сепган эзгулик уруғлари ҳамма ерда ўз мевасини берарди.

Ҳар ким эл орасида феъли-атворига яраша баҳо олади. Андижонликларнинг у кишига кўрсатган оқибатини қаранг: шаҳарнинг энг гавжум кўчаларидан бирини Бектош Раҳимов номи билан аташди. Гарчи барҳаёт кишилар номи билан бирор жойни аташ бизда удум бўлмаса-да, андижонликлар Бектош оға учун, истисно тариқасида, шундай қилишди. Буни уларнинг ўзига хос миннатдорчилиги рамзи деб тушунмоқ керак. У андижонликлар қалбида ана шундай меҳр деб аталмиш ноёб қаср қуриб қолдирди.

Яратиш ва бунёдкорлик ишлари билан беҳаловат йиллар ўтиб борарди. Ўшанда Бектош ака Самарқанддек азим диёрда биринчи раҳбар бўлди. Унда пайдо бўлаётган янгидан янги ғоялар, тадбирлар режасига, унинг ижодкорлигига, куч-ғайратига лол эди одамлар. Янги ишлар, хайрли тадбирларга йўналтирарди кишиларни. Ҳаёт ўзи шундай, унинг ёзилмаган қонуни бор: агар сен одамлар кўнглини топсанг, дилига етиб борсанг, меҳрини қозонсанг, улар учун лозим бўлган пайтда кўкрагингни тутиб берсанг, мардлик кўрсатсанг — улар ҳам сен учун ўтга ҳам, сувга ҳам киришга тайёр, ҳатто тоғларни ҳам талқон этмоққа қодир куч топаолади. Бектош ака шундай худо берган илоҳий ҳислатларга эга. Азим Самарқанднинг халқимиз тарихида тутган ўрнини яхши билгани боис тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлашдек савоб ишларга кўп вақтини берди. Олимлар, мутахассислар, кексалар билан маслаҳатлашди, қандай қилсинки, ўша эндиликда биз учун муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолган, улуғ аждодларимиз саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган, то шу кунгача жаҳонни ҳайратга солаётган ўша тенги йўқ обидалар яна қад ростласин, асли чиройини очсин, миллат шаъни-шавкати йўлида, шу юртни улуғлашдек муқаддас ишга хизмат қилсин. Ахир бу тупроқда Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий, Хўжа Аҳрор валийнинг қутлуғ қадам излари бор. Самарқандликлар билан гурунглашиб қолсангиз, фахр ва ифтихорга тўлган ҳолда бири олиб, бири қўйиб гапира кетадилар.



— Регистон майдонининг асл саҳни 2-2,5 метр тупроқ остида қолиб кетган экан. Бектош ака оқсоқолларни, фаолларни тўплаб, бор гапни айтди. Халқ шу қадар берилиб ишладики, бунақаси бўлмаган. Ўша кишининг даврида Регистон майдони асли ҳолига қайтди.

— Шоир-бахшилар хиёбонини айтмайсизми... Бу эзгу иш ҳам маънавий қадриятларни ҳамиша улуғлаган ўша кишининг даврида амалга оширилган.

— Бу ва бошқа қатор савобли ишларни Бектош ака ҳаётлиги давридаёқ ўзига ўрнатилган ўчмас ҳайкаллар деб аташ ҳам мумкин, — деб якун ясайди учинчи суҳбатдош.

Мевали дарахтга ҳамиша тош тегади, деган гап ҳақ экан. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида республикамизда «қизил империя» томондан бошланган қатағон Бектош Раҳимовни ҳам четлаб ўтмади. Шунча йиллар садоқат билан чеккан заҳматлари ҳам, меҳнат Қаҳрамонидек юксак унвони ҳам, қўша-қўша орден ва медаллар соҳиби эканлиги ҳам заррача инобатга олинмади. Юртимизга Москвадан юборилган «десантчилар» ўлканинг ўт-ўланларини эмас, балки аввало асл гулларини сўлдирмоқчи бўлишди. Номи улус оғзига тушганларни таҳқирлаш орқали миллат ғурурини паймол қилмоқ эди уларнинг нияти. Дўқ-пўписалар ҳам, туҳмат ва зуғумлар ҳам элнинг жанг кўрган ўғлони Бектош Раҳимовнинг қаддини бука олмади. Унинг битта «айби» бор эди— шу туғилиб ўсган юртини, ўзини тарбиялаб, вояга етказган халқини жони-дилидан яхши кўрарди. Бутун борлиғини, ҳаётини улус манфаатлари йўлига бахшийда этганди. Шукурлар бўлсинким, адолат қарор топди. Юртнинг ман-ман деган бошқа жабрдийдалари қатори у ҳам тўла оқланди. Бу ишда Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг адолат йўлидаги алоҳида жасорати, зўр қатъиятлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

...Бектош Раҳимов меҳнат ва уруш фахрийлари ташкилотлари иттифоқининг республика кенгашига раис бўлиб сайланган куни яхши эслайман.

— Жуда топиб танлашибди, бу жой худди шундай қалби қайноқ, кўнгли меҳрга лиммо-лим кишининг ўрни, — деди кўпни кўрган оқсоқоллардан бири.

— Жонсараклигини айтмайсизми, ўзиям тинчимайди, атрофдагиларга ҳам тинчлик бермайди. Ташкилотимиз яшарадиган бўлди, — деди иккинчиси.

Худди шундай бўляпти. Тутилаётган ишларда, амалга оширилаётган тадбирларда қарияларнинг руҳий ҳолати ҳар тарафлама ҳисобга олинаётир. Сир эмаски, ҳозирги фахрийларнинг кўпчилиги ўз вақтида элни оғзига қаратган, юрганда оёғидан ўт чақнаган, ҳаммасининг эътиборида, тўй маъракаларнинг тўрида бўлган. Нима ҳам дердик, у даврлар оқар сувдек оқиб кетди. Баъзилари эътибордан бироз четда қолди. Улар қорнига эмас, балки қадрига йиғлайди — ким эдиму — эндиликда кимман, деб. Ана шу ўтиш даври — фаол иш давридан тинчлик, сокинлик, осудалик даврига ўтиш, кўникиш жараёни айрим кимсаларда ниҳоятда мураккаб, айтиш мумкинки, оғриқлик билан кечади. Моддий таъминот етарли, бу жиҳатдан кўнгли тўқ, ҳукуматга раҳмат. Лекин маънавий томонга келганда баъзан...

Бектош Раҳимов масаланинг худди ана шу нозик томонига эътиборни қаратяпти. Фахрийларнинг туғилган куни борми, уларнинг болалари, невараларининг яхши-ёмон кунлари борми — ҳаммаҳаммасидан кўз-қулоқ. Бугун қайсидир бемордан хабар олади, эртасига кимнингдир уйига бориб ҳолаҳвол сўраб келади. Кўпроқ уларни кенгашга чақиртиради; навбатдаги жумбоқларни ҳал этиш учун маслаҳат солади, баъзиларига енгилроқ бўлса ҳам бирор юмушни бажаришини илтимос қилади. Кексайганда одам худди ёш боладай бўлиб қолади, дейишгани ҳақ гап. Кечагина «Бизники бўлди, ишлаб бўлдик», деб қўлини ювиб, қўлтиққа урганлар кенгаш томонидан амалга оширилаётган тадбирларни кўргач, ўзларига нисбатан бўлаётган эътиборни ҳис этгач, қайтадан ғайратга кириб кетдилар. Кунда десам ёлғончи бўлмайман, қимдир Бектош Раҳимовнинг хонасига кириб келади.

— Шу бир фикр менга тинчлик бермаётир, бу ерга мени етаклаб келган ҳам ўша. Сиз нима дейсиз, агар...

Бектош аканинг кўзлари чақнаб кетади. Эътибор билан тинглайди суҳбатдошини.

— Мана бу ишингизга қойил,— дейди у ўрнидан туриб. — Яхши ўйлабсиз, жуда муҳим гап бу. Албатта режамизга киритиб қўямиз.

Қариянинг боши осмонда. Нега осмонда бўлмасин, ахир ҳали ҳам уни тинглайдиганлар бор, таклиф-мулоҳазаларини эътиборга олишяпти. Демак, ҳали у одамларга керак.

Муҳими шу, киши ўзини одамларга кераклигини ҳис этиш. Шу туйғу бор экан — киши қариликка сўз бермайди.

Фахрийлар оқсоқоли Бектош акага келсак, ҳозир ҳам худди ёшлардек серҳаракат, сергайрат. Ҳеч ким у кишига 70 ёшни бермайди. Ҳали у вилоятда, ҳали бу вилоятда муҳим тадбирларни амалга ошириш ишларига бош-қош. Яқинда жафокаш Тожикистон республикасига ўзбек юртининг хайрия ёрдамини олиб борган делегацияга бошчилик қилди. Қардошларимиз билан кўришиб, суҳбатлашиб, уларнинг чўккан кўнглини кўтарди, «қўшниларимизни кулфатда ёлғизлатиб қўймаймиз», деди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ибратомуз бир гапи бор. Ҳаёт чархпалаги тинмай айланаверади, умр кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. Чархпалак тепасидагилар вақти келиб пастга тушади. Шунда кўча-кўйда учраганлар ҳол-аҳвол сўраса, сенга раҳмат, юрт учун, эл учун қўлингдан келган ҳамма ишларни қилдинг, барака топ, деса бўлгани. Инсон учун бундан олий мукофот бўлмайди.

Жуда топиб айтилган. Шу олий мукофот насиб этсин ҳар бир инсонга. Назаримда Бектош ака шундай мукофотга сазовор бўлганлардан. Истаган вилоятдагилардан сўранг, улар нима дер эканлар. Имоним комилки, ҳамма ерда жавоб бир хил мазмунда бўлади: Бектош Раҳимов юксак инсонийлик рамзи, унинг тақдирига ҳавас қилса арзийди. Бутун ҳаёт йўли юрти учун қандай садоқат билан хизмат қилишдан сабоқ берувчи ажойиб китобдир.

Ҳозирги пайтда ҳукуматимизнинг қарияларни ижтимоий ҳимоя этиш борасидаги қарорларини оғишмай амалга ошириш йўлида Бектош ака ўзига хос ғайрат ва қатъиятлик кўрсатмоқда. Ҳар ким экканини ўради. Эл дуосини олганларнинг умри узоқ бўлади, дейишган экан машойихлар. Қадрдонимиз Бектош ака, Сиз меҳрдан бахт тахтини яратган инсонсиз. Бу тахтни қўлда ясаб бўлмайди. Кўнгилнинг беқиёс илоҳий ҳосиласидир у. Савоб ишларга умрини бахшийда этганлар қаримайди ҳам, ҳоримайди ҳам. Кун сайин азиз бошингиз узра қариялар дуоси ёғилиб турибди. Бинобарин, умрингиз узоқ бўлғусидир. Иншоаллоҳ.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Николай Михайлович КАРЯКИН

Шафқатсиз ўлим Бухоро вилоят ҳокимининг ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати Николай Михайлович Карякинни 1994 йилнинг 19 февралида орамиздан олиб кетди.

Николай Михайлович Карякин 1933 йилда Волгоград вилоятининг Дубовка шаҳрида ишчи оиласида туғилган.

Николай Михайлович Карякин меҳнат фаолиятини 1957 йилда Саратов қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини битиргандан сўнг, суғориш системалари Бухоро вилоят бошқармасининг лойиҳачи муҳандиси вазифасидан бошлаган эди.

1961—70 йилларда вилоят матлубот уюшмаси қурилиш-монтаж бошқармасининг бош муҳандиси, партия давлат назорати вилоят қўмитасининг инспектори, Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари вазифаларида ишлади.

Ў ўз меҳнат фаолияти давомида Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, суғориш тармоқларини давр талаблари даражасида ташкил этишга муносиб ҳисса қўшди. Ҳалол меҳнати, эзгу ишларни амалга оширишдаги фидойилиги учун эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди. Унинг хизматлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони ва «Халқлар дўстлиги», «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва қатор нишонлар билан мукофотланган.

Николай Михайлович Карякиннинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, И. Жўрабеков, М. Умурзоқов, К. Тўлаганов, Д. Ёдгоров, Ҳ. Жамолов.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҚУТЛОВ

Отамиз Олимжон ЭРХОНОВ 50 баҳорни қарши олдилар.

У ҳозирда Жиззах шаҳридаги 20-автокорхонага қарашли «Фориш — Тошкент» йўналишидаги автобусда ҳайдовчи бўлиб, халқимиз оғирини енгил қилмоқдалар. Отажонимизга узоқ умр тилаймиз! Туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклаб,

умр йўлдошингиз РИСОЛАТ, ўғилларингиз ҲАМИД, ҲУСНИДДИН, НУРИДДИН, МУҲИДДИН, АЛИДДИН, келинларингиз ДИЛДОРА, САОДАТ.

ҚУТЛУҒ ЁШИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Меҳрибон отамиз, Уруш ва меҳнат фахрийси Қўрғонбоев Абдулла Қўрғонбоевични 80 ёшга тўлишлари билан чин қалбдан табриклаймиз! Адажонимиз 45 йил давомида ўқитувчи бўлиб ишладилар, ҳозир Мирзо Улуғбек туманидаги «Чўлдарахт» маҳалла қўмитасига раислик қилмоқдалар.

Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин! Бахтимизга доимо омон бўлинг!

Эҳтиром билан куёвлари: **Урол, Эргаш. Эркин, Абдукарим, Улуғбек, Убайдулло,** қизлари: **Карима, Салима, Комила, Холида, Ҳамида, Дилфуза ва невaралари.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 7-ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисида **ШЕРАЛИЕВ Ботир Юлбарсович** номига берилган АУ № 307921 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекистон» ижара корхонаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси Қўқон ўрмон хўжалиги директори Мансурхўжа Хўжаевга падари бузруквори

Масандхўжа УЛУҒХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни меҳнат жамоаси ходимларни бошқариш, ижтимоий ривожлантириш ва ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи, бошқарув аъзоси, Р. С. Қосимовга волидаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, шахсий нафақахўр

Саноатхон САИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоалари Ю. Ражабий номидаги «Мақом» ансамблининг созандаси Аҳмаджон Дадаевга отаси

Шокарим ДАДАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази жамоаси, Маданият ишлари вазирлигининг халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи Р. Ҳ. Хўжаевга опаси

Эркиной ҲАКИМ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Илойим марҳумани Аллоҳ раҳмат этган бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси ФА Зоология институти жамоаси биокимё зоотоксикология лабораториясининг мудири, биология фанлари номзоди И. Қ. Қозоқовга опаси

Энажон ҚОЗОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгаши «Ўзагропромтехмонтаж» бошқарувчиси, туман партия кенгаши аъзоси

Феликс Зиновьевич ШЕРМАНнинг

вафот этганлиги муносабати билан оиласига чуқур ҳамдардлик билдиради.

• *Спорт*

ОЛИМПИАДАЧИ БЎЛИШ ШАРАФЛИ

Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўн кундан бери оқ олимпиада байроғи ҳилпираб, машъаласи порлаб турибди. Спортчилар мусобасиз беллашувларда совринли ўринларни эгаллаб, ўз мамлакатлари номини улуғлашга астойдил интилмоқдалар.

Маълумки, олимпиада жаҳон спортчиларининг йирик анжумани. Бундай мусобақада иштирок этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шу боис, тўрт йиллик тайёргарликдан кейин кучлилар қатори сараланиб, олимпиадага йўлланма олган ҳар бир спортчи ўзининг олимпиадачи бўлганлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Мустақил Ўзбекистон мухлислари эса бу нуфузли мусобақада истиқлол юртимиз спортчиларини алоҳида жамоа бўлиб қатнашаётганликларидан мамнун бўлишмоқда. Айниқса, олимпиаданинг тантанали очилишида Ўзбекистон спортчиларини давлатимиз ой-юлдузли байроғини ҳилпиратиб ўтишлари, улкан стадион узра «Хуш келибсиз, Ўзбекистон!» деган ширин каломни таралиши она-замин бағрида Ўзбекистон дея аталмиш мустақил диёр борлигининг ўзига хос намойишига айланди.

Олимпиада ўтаётган шаҳарда 24 мингга яқин аҳоли яшайди. Зеро, мусобақанинг тантанали қисмини 150 мамлакатда 2 миллиарддан ортиқ киши томоша қилишга муваффақ бўлди. Бундай мусобақани ўтказиб бериш ҳар қандай шаҳарга ҳам лозим кўрилавермайди. Хусусан, Халқаро олимпиада қўмитасининг навбатдаги сессиясида бўлажак олимпиадаларни қаерда ўтказиш масаласи кўриб чиқилди. Даъвогар 10 та шаҳар орасида Сочи ва Алмати ҳам бор эди. Лекин ХОК мутасаддиларидан эса ҳозирги мусобақаларни ўтказиш учун миллиард доллар сарфланган маълум. Олимпиада эгалари мусобақа якунида узоғи билан 524 миллион доллар фойда кўришлари мумкин.

Республикамиз олимпиадачилари ҳам қуруқ қайтмасликка ҳаракат қиладилар, деган умиддамиз. Мухлислар моҳир фристайлчилар Лина Черязова билан Сергей Бринерга ишонишмоқда. Улар чанғида акробатик машқлар бажариш бўйича мусобақага эндигина киришдилар. Олимпиаданинг олтин медалларини тўплаш бўйича эса майдон эгалари олдинда боришмоқда. Норвегия спортчилари ҳисобида 8 та олтин медал тўпланган бўлса, россияликлар 7 та олтин медалли бўлишди. Спортнинг қишки турлари бўйича қизғин ва муросасиз баҳслар тобора авжга чиқмоқда.

Кейинги пайтларда мустақил Ўзбекистонимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга ҳаракат қилинаётир. Айниқса, таэквандо билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Оммавийлик бўлган жойда маҳорат ҳам ошаверади.

Бундан икки йил аввал Дўстлик шаҳридаги солиқ инспекцияси қошидаги «Солиқчи» спорт клубида таэквандо тўгараги очилган эди. Уни солиқ инспекциясининг бошлиғи, марҳум Шароф Нодиров ташкил этган эди.

Тўгаракнинг бош тренери, катта инспектор Эшмурод Раҳматов ёшларга устозлик қилмоқда. Клубда 20 дан зиёд ёшлар ва 15 га яқин қизлар шуғулланишаётир.

СУРАТДА: бош тренер Эшмурод Раҳматов, қора белбоғ соҳиби Ўлмас Мамасолиев ва ёш спортчи Салим Тиркашев навбатдаги машғулотда.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ

Истанбулда классик кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада республикамиз полвонлари ҳам бўш келишмади.

Полвонларимиз жамоа биринчилигида фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса Ғайрат Абдуллаев, Шамсиддин Худойбердиев, Баҳодир Қурбоновлар вазнлари бўйича ғалаба қозонишди.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4-44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. Ҳажми 3 босма табоқ.
Боснишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди—22.30.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.